VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

26 (458) ● 2017 йил 28 июнь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ — ЭНГ МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июнь куни Тошкент шаҳрида видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда 2017 йил биринчи ярим йиллигида экспорт дастурининг ижроси, маҳаллий маҳсулотларни янги хорижий бозорларга сотиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини экспортга йўналтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги кўриб чиқилди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, тегишли вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди. Шунингдек, видеоконференция алоқаси орқали Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида ташкил этилган студияларда Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар-нинг ҳудудий тузилмалари, корхоналар раҳбарлари, экспортчи тадбиркор ва фермерлар қатнашди.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва юқори суръатда ўсиш тенденциясини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашнинг энг муҳим омилларидан бири — иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакатимиз ҳудудларининг экспорт салоҳиятини изчил ошириш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини кучайтириш эканини алоҳида таъкидлади. Бу борада мамлакатимизда экспортчи корхоналар ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, қонун ҳужжатлари билан уларга берилган имтиёзлар ва яратилаётган шароитлар ҳақида алоҳида тўхталди.

➜ 2

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

1 сентябрь — Мустақиллик куни мамлакатимиз истиқлолга эришган, жаҳон харитасида янги, мустақил ва суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлган, халқимизнинг асрий орзу-интилишлари рўёбга чиққан буюк тарихий сана бўлиб, эл-юртимиз томонидан энг улуғ, энг азиз байрам сифатида доимо катта шоду хуррамлик билан нишонланиб келади.

Буюк ва бебаҳо неъмат — мустақилликнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажаги учун беқиёс аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб келмоқда.

Ватанимиз тарихида мутлақо янги саҳифа очган Ўзбекистон мустақиллигининг 26 йиллигини муносиб кутиб олиш, истиқлол даврида эришаётган ютуқларимизни яна бир бор сарҳисоб қилиб, эл-юртимизни янги марралар сари руҳлантириш мақсадида:

➜ 2

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни — юртимиздаги барча журналистлар, газета ва журналлар, теле-радиоканаллар, нашриёт ва матбаа корхоналари фидойиларини, муҳтарам фахрийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, сизларга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим, эзгу тилакларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган оммавий ахборот воситалари ҳақида сўз юритганда, биз, аввало, доимо янгилик излаб, янгиликка интилиб, ҳаётнинг қайноқ нуқталарига кириб борадиган, холислик ва ҳаққонийлик, Ватан ва халқ манфаатларини биринчи ўринга қўядиган олижаноб ва масъулиятли касб эгаларини тасаввур қиламиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Бутун мамлакатимиз қатори Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ҳам мустақиллик йилларида катта ривожланиш йўлини босиб ўтганини барчамиз яхши биламиз ва бундай ютуқлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ҳозирги кунда республикамизда 1500 дан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Биргина Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибидаги телеканалларнинг бир сутка давомидаги умумий эфир вақти 616 соатни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, мустақилликдан олдин бу рақам бор-йўғи 48 соатга тенг эди, холос.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, оммавий ахборот воситаларининг таркиби ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Буни юртимиздаги барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани ҳам тасдиқлайди. Яқин кунларда иш бошлайдиган, кечаю кундуз узлуксиз фаолият олиб борадиган "O'zbekiston — 24" телеканали миллий ахборот маконида ўз муносиб ўрнини ва ўз томошабинларини топади, деб ишонамиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, энг тезкор ахборот воситаси — Интернет ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳозирги вақтда глобал тармоқда Uz доменли веб-сайтлар, ахборот порталлари сони 400 дан ошиб кетгани, уларнинг аксарияти хорижий тилларда фаолият кўрсатаётгани, ушбу йўналишда янги ижодий авлод — Интернет журналистлари шаклланиб бораётгани эътиборга сазовордир.

➜ 2

Қўшма йиғилиш

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби" мавзусидаги анжуманда маърузасидан келиб чиққан ҳолда ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари олдида турган муҳим вазифалар хусусида сўз борди.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан партия Марказий кенгаши раиси, фракция раҳбари Сарвар Отамуратов сўзга чиқди.

— Президентимиз маърузасида мамлакатимизда ижтимоий-маънавий соҳани янада ривожлантириш, оила, маҳалла ва жамиятда соғлом муҳит барқарорлигини таъминлаш, навқирон авлод тарбияси, тинч осуда ҳаётимиз, муқаддас динимиз поклигини асраш борасида долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалар белгилаб берилди, — деди партия раиси.

➜ 3

Миллий гурур

ОРЗУЛАРИ УШАЛАЁТГАН ШОҲЖАҲОН

Мусиқа инсонга маънавий юксаклик, руҳий озуқа, мазмунли ҳордиқ бахш этади. Қандай куй ижро этилмасин, бунда, албатта, созанданинг маҳорати ва истеъдоди яққол намоён бўлади.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар жиҳатдан етук инсонлар этиб вояга етказишнинг муҳим воситаси сифатида мусиқа санъати равнақига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтказилаётган санъат фестиваллари, концертлар, ижодий танловлар ёшларнинг бадиий дидини юксалтириш, уларни санъатнинг энг нодир намуналаридан баҳраманд этиш, истеъдодли йигит-қизлар сафини тобора кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

➜ 6-бет

Муносабат

ОНГДА — ИМОН, ТИЛДА — ҲАҚИҚАТ, ДИЛДА — ЭЪТИҚОД УСТУВОР БЎЛСИН

Шу йил 15 июнь куни Тошкент шаҳрида "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби" мавзусида ўтказилган анжуман ва унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сўзлаган нутқи мамлакатимиз сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-маданий ҳамда маънавий-маърифий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Зеро, бундай учрашув Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарлари, дин арбоблари, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, илм-фан ва маданият намояндалари, исломий таълим муассасалари мутасаддилари ва талабалари, жамоатчилик вакиллари иштирокида, яъни ана шундай кенг қамровда илк бор ўтказилди. Айни чоғда, давлатимиз раҳбарининг "Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик" деб номланган нутқи дунё манзараси жуда кескин, ҳатто хатарли тус олаётган бугунги кунда ўта долзарб ва нозик масалаларга бағишлангани билан ғоятда аҳамиятлидир.

➜ 5

Амалий семинар

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Бухоро вилоятидаги ижросини ўрганишга бағишланган амалий семинар ташкил этди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва ҳудудий ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари, партия фаоллари, соҳа мутахассислари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ЎЛМАС МАДАНИЙ МЕРОС

УНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБА ВА АМАЛИЙ ИШ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИНДИ

Семинарнинг биринчи кунида иштирокчилар мазкур қонуннинг вилоятдаги ижроси бўйича партия гуруҳи халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига олиб чиққан масалалар, қабул қилинган қарорлар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар билан танишиш мақсадида Бухоро шаҳридаги маданий мерос объектларида бўлишди. Жумладан, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд зиёраттоҳи, ушбу тарихий-меъморий мажмуа таркибидаги Биби Орифа мажмуаси, Даҳмаи Шоҳон (Шоҳлар хилхонаси), Нақшбандия тариқати музейи, Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази, Мир Араб мадрасаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Шундан сўнг семинар иштирокчилари ЮНЕСКО рўйхатига киритилган Лаби Ҳовуз мажмуасига ташриф буюриб, мажмуадаги Кўкалдош Нодир Девонбеги мадрасаси ва хонақосини кўздан кечирдилар. Саёҳат Шаҳристон бўйлаб, Тоқи Саррофон, Мағокки Атторий масжиди, Тоқи Телпакфурушон, Абдуллахон тими, Мирзо Улуғбек, Абдулазизхон мадрасалари, Тоқи Заргарон ёдгорлигигача давом этди.

➜ 4

Ушбу сонда:

"БАРКАМОЛ ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ"

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДА ШУ НОМДА ФОРУМ БЎЛИБ ЎТДИ 5-бет

ЭКОТУРИЗМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

7-бет

"САМОВИЙ ШАХМАТ" МАКТАБИ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ СОНИ 500 НАФАРГА ЕТДИ 8-бет

«Milliy tiklanish» газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

" MILLIY TIKLANISH "

— мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
26 (458) 2017 йил 28 июнь, чоршанба

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРИНИНГ ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ — ЭНГ МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев экспорт соҳасидаги ишлар аҳволини атрофлича таҳлил қилди.

"Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси бошқаруви раиси О.Рустамов, "Ўзагроэкспорт" акциядорлик жамияти бош директори Ж.Холмуҳамедов эгаллаб турган лавозимига нолойиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари У.Розуқулов, ташқи савдо вазири Э.Ганиевга мавжуд камчиликлари кўрсатиб ўтилди ва уларни бартараф этиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари "Ўзқурилишматериаллари" компанияси, "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти, "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси раҳбарларида масъулият, талабчанлик ва ташаббускорлик етишмаётгани, бунинг оқибатида маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажмини ошириш борасида камчиликларга йўл қўйилаётганини қаттиқ танқид қилди.

Мазкур тармоқлар раҳбарларига "ҳайфсан" эълон қилиниб, уларнинг зиммасига маҳсулотлар экспорти соҳасидаги мавжуд камчиликларни зудлик билан бартараф этиш ва экспорт ҳажмини изчил ошириш юзасидан сезиларли ўзгаришларни таъминлаш бўйича аниқ вазифалар юкланди.

Шунингдек, етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни ташкил этиш масаласида сусткашликка йўл қўйган Тошкент, Жиззах ва Андижон вилоятлари, шунингдек, қатор туманлар ҳокимликлари раҳбарлари жиддий огоҳлантирилди.

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг анъанавий ташқи бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, янги ташқи бозорларни ўзлаштириш бўйича тизимли ишларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, тармоқлар ва ҳудудлар раҳбарларига ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича экспорт стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда ташқи бозорларда самарали фаолият юритиш учун замонавий инфратузилмани яратиш, корхона ва ташкилотлар томонидан хорижий мамлакатларда ташкил этилган савдо уйлари ва логистика марказлари ишини янада фаоллаштириш, давлатимиз элчихоналарининг савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ишларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилиниб, тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, компания ва уюшмалар, ҳокимликлар раҳбарларининг ҳисоботлари, таклифлари эшитилди ва муҳокама қилинди, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш, экспорт географияси ва номенклатурасини кенгайтириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

ЎзА

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Албатта, бундай натижаларга эришишда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келаётгани ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Ана шундай эътибор туфайли ўтган даврда журналистларимиз учун фаолият майдонини кенгайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида кўп ишлар қилинди. Жумладан, матбуот ва оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш ва ривожлантириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган, демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган 10 га яқин қонун ҳужжати қабул қилиниб, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Миллий матбуот маркази, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди каби ташкилотлар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Кейинги пайтда уларнинг қаторига Халқаро пресс-клуб ҳам қўшилди.

Сиз, азизларга яхши маълум, бугунги кунда мамлакатимизда китоб маҳсулотларини нашр қилиш ва тарқатиш тизими самарадорлигини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Бундай муҳим вазифани амалга ошириш учун юртимизда 118 та нашриёт, 1 минг 760 та матбаа корхонаси, минглаб ижодий ва техник ходимлар фаолият олиб бормоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳар йили 7 тилда 60 миллион нусхадан ортиқ китоб чоп этилмоқда.

Албатта, бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Лекин ана шу миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, шу асосда оммавий ахборот воситаларининг ҳақиқий тўртинчи ҳокимият бўлиб майдонга чиқишига эришиш, миллий медиа майдонимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигини таъминлаш бугунги кунда долзарб вазифа бўлиб қолаётганини барчамиз яхши тушунамиз.

Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида энг муҳим устувор йўналишлар белгилаб берилгани сизларга яхши маълум, албатта.

Халқ билан мулоқот, одамларнинг орзу-интилишлари, дарду ташвишлари билан яшаш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бугунги кунда ҳар бир оммавий ахборот воситаси чинакам мулоқот майдончасига, эркин фикр минбарига айланган тақдирдагина биз ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз.

Айниқса, ҳаётимиздаги мавжуд муаммоларни, жойларда ташкил этилган Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонада аҳоли томонидан кўтарилаётган ўткир ва долзарб масалаларни, уларнинг сабаб ва омилларини очиб бериш, жамиятимизда танқид ва ўзини ўзи танқид руҳини кучайтириш, афсуски, оммавий ахборот воситалари фаолиятида ҳали тўла ўз ифодасини топгани йўқ.

Бугун замон шиддат билан ўзгармоқда. Ҳаёт барчамиздан дадил ҳаракатларни, фаол ташаббусларни, ҳамма соҳада ҳаққоний ва одил муносабатни талаб этмоқда. Кўпни кўрган, сабр-тоқатли, меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз амалга оширилаётган ана шундай муҳим ўзгаришларнинг натижасини кутмоқда.

Эл-юртимизнинг эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқариш, бу йўлда ғов бўлиб турган турли тўсиқларни, бюрократизм, лоқайдлик, таъмагирлик, коррупция каби салбий иллатларни дадиллик билан кўтариб чиқиб, уларга қарши муросасиз жамоатчилик фикрини шакллантиришни ўз касби, ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган журналистларни мен ҳақиқий журналист деб ҳисоблайман.

Албатта, барчамиз яхши тушунамиз, бунинг учун оммавий ахборот воситалари вакилларидан нафақат профессионал билим ва малака, ҳаётий тажриба, ўз сўзи учун масъулият ҳисси, айни вақтда юксак гражданлик позицияси, маънавий жасорат ҳам талаб этилади. Бундай мақсадга эришиш учун оммавий ахборот воситаларига қонунчилик нуқтаи назаридан, моддий-техник, ўқув-услубий таъминот нуқтаи назаридан янада кенг имкониятлар яратиб беришимиз керак.

Замонавий миллий журналистика мактабини яратиш кўп жиҳатдан, аввало, юксак маънавий-интеллектуал салоҳиятга эга бўлган, бугунги кун талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тарбиялаш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу муҳим вазифани амалга ошириш учун биз аввало тегишли олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг савияси ва малакасини ошириш, соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, давлат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари, экспертлар ҳамжамияти, хорижий ва халқаро ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтиришимиз зарур.

Бугун Ўзбекистон барча соҳаларда тараққиётнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Олдимизда турган, бир-биридан муҳим ва долзарб вазифаларни ҳал этишда, юртимизда тинчлик-осойишталик, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини, унинг ўз кучига, эртанги кунга бўлган ишончини ошириш, ҳаётимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, давлат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, бир сўз билан айтганда, халқ манфаатининг чинакам ҳимоячиси бўлишда оммавий ахборот воситалари бундан буён ҳам фаол ҳаракат олиб борадилар, деб ишонаман.

Мен сиз, муҳтарам матбуот аҳлининг ҳаётимизни янада эркин, обод ва фаровон этиш учун доимо фидойилик кўрсатиб яшашингизни яхши биламан ва сизларни шу йўлда ўзимнинг энг яқин ҳамкорларим ва ёрдамчиларим деб ҳисоблайман. Сизларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатингиз ўз муносиб баҳосини топиши, янада самарали бўлиши учун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини албатта сафарбар этамиз.

Азиз ва муҳтарам дўстлар!

Барчангизни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор самимий қутлаб, сизларга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда омад ва ютуқлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, азизлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ОЛТИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

Мазкур дастур 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурининг маъно-мазмунидан келиб чиққан ҳолда тайёрлансин.

Бу борада қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратилсин:

"Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз" деган тамойилга асосан мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, парламент ва сиёсий партияларнинг ролини, давлат бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини янада ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш орқали давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишларни атрофлича ёритиш;

"Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак"деган тамойил асосида жойларда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан халқ билан очиқ ва самарали мулоқот олиб бориш тизими йўлга қўйилгани, бунинг натижасида фуқароларнинг кўплаб мурожаат ва муаммолари қонуний ҳал этилаётганига алоҳида эътибор қаратиш;

қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, ички ишлар тизими ва прокуратура органларида амалга оширилаётган туб ислоҳотларни асосий мавзулардан бири сифатида акс эттириш;

иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, унинг рақобатдошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ва мутаносиб тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш, эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини ёритишга кенг ўрин ва аҳамият бериш;

"Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади" деган ғоя асосида аҳоли, айниқса, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий бизнес ва касаначилик, томорқа хўжалигини ривожлантириш учун янги имконият ва преференциялар яратиб бериш, банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш, тегишли ташкилотлар орқали зарур ресурслар етказиб бериш тизими йўлга қўйилганини аниқ мисоллар билан кўрсатиш;

ижтимоий соҳада аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт, спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини самарали олиб боришга қаратилган ишларга алоҳида урғу бериш;

шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тобора очилиб бораётгани, аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш, кекса авлод вакилларини, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, электр энергияси, тоза ичимлик суви ва табиий газ таъминотини яхшилашга қаратилган ишларни атрофлича ёритиш;

"Маънавият — энг таъсирчан ва қудратли қуролимиз" деган тамойилга мувофиқ аҳолининг маданий савиясини юксалтириш, ёшлар ўртасида китобхонлик, жумладан, электрон китобхонликни ривожлантириш, ижодкор зиёлиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва уларнинг ютуқларини тарғиб этиш борасидаги ишларни кенг акс эттириш;

қўлга киритган барча ютуқларимизнинг асосий омили ва мезони сифатида биринчи навбатда халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимиз, аввалам-бор, ёшларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганини ҳаётий далил ва мисоллар орқали талқин этиш;

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш орқали давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, қўшниларимиз билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик қилиш, минтақамиздаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш тамойилига асосан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш;

мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кучайтириш, жаҳон миқёсида рақобат, қарама-қаршилик тобора бешафқат тус олаётган, радикализм, терроризм, экстремизм, "оммавий маданият" каби таҳдидлар кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш — бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиз эканини кенг жамоатчиликка етказиш.

3. Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар ва Ўзбекистон Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини ўтказсин.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси билан биргаликда ёш ижрочилар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, "Тасвирий ойина" уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда "Энг улуғ, энг азиз", "Сени куйлаймиз, замондош!", "Ранглар жилосида — она диёр", "Ватан учун яшайлик!" каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 июнь

ПОЙТАХТИМИЗДА МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар оммавий ахборот воситалари ходимларидан янада фаол, ҳозиржавоб, ташаббускор бўлишни, мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнларини чуқур таҳлил асосида ёритишни талаб этмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрий журналистлар, ноширлар, матбаачилар, олий ўқув юртларининг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С.Ҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Р.Қурбонов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани А.Матёқубов ва бошқалар истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда миллий медиа соҳасини равнақ топтириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, матбуотни чинакам эркин фикр минбарига айлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан халқ билан самимий ва очиқ мулоқот ўрнатиш, одамларни ўйлантираётган масалаларга ўз вақтида ечим топиш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган ислоҳотларни сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтариш, юртдошларимизнинг тинч ва осойишта, тўкин ва фаровон ҳаёт даражасини янги мазмун билан бойитиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар матбуот ходимлари зиммасига ҳам янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун кенг шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизациялашнинг янги истиқболларини белгилаб берди.

Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар асосида жамиятда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистлар фаолиятини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари жорий этилмоқда.

Медиа соҳага кўрсатилаётган эътибор натижасида барча турдаги оммавий ахборот воситаларида тайёрланаётган материаллардаги ўзига хос ижодий, танқидий-таҳлилий ёндашув, медиа маҳсулотлар сифатини тобора яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Матбуот ва оммавий ахборот воситаларига замонавий технологияларни жорий этиш, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг касб салоҳиятини юксалтириш, халқимизни тезкор, холис ва ҳаққоний ахборотлар билан таъминлаш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг матбуот хизматлари билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича кенг қамровли лойиҳалар ҳаётга жорий этилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши нашриётлар фаолиятини давр руҳига мос йўлга қўйиш, ноширлик ишининг янада ривожланиши, ёшларда китобхонлик маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган "Йилнинг энг фаол журналисти" ижодий танлови ғолибларига диплом ва совғалар топширилди. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан таъсис этилган "Энг фаол спорт журналисти" республика танлови ғолиб ва совриндорлари ҳам тақдирланди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар матбуотимиз ривожи йўлида кўрсатилаётган эътибор, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш борасидаги ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

— Бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ғайрат, қатъият, шижоат, ижодий изланиш билан меҳнат қиладиган вақт, — дейди "Тошкент" телеканали муҳаррири, "Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолиби Улуғбек Раҳмонқулов. — Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ходимларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнатини эъзозлаш доимий эътиборда. Билдирилган юксак ишончга муносиб бўлиш, зиммамиздаги масъулиятни теран англаш, Ватан, халқимиз манфаатлари йўлида садоқат билан хизмат қилишни асосий бурчимиз, деб биламиз.

Тадбирда Ўзбек Миллий академик драма театрининг "Мирзо Улуғбек" спектакли намойиш этилди.

• • •

Шу куни пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида оммавий ахборот воситалари ходимлари ва уларнинг фарзандлари учун сайил бўлиб ўтди. Ижодий кечалар, китоб савдоси, спорт мусобақалари ташкил қилинди, мусиқий дастурлар намойиш этилди. Барча аттракционлар кичкинтойларга бепул хизмат кўрсатди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА

Сана

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар оммавий ахборот воситалари ходимларидан янада фаол, ҳозиржавоб ва ташаббускор бўлишни, ушбу жараённи таҳлилий асосда ёритишни талаб этмоқда.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ташкил этган тадбирда шу ҳақда сўз борди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун кенг шароит яратиш, мамлакатимизни модернизациялашнинг янги истиқболларини белгилаб берди, — деди партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов. — Мазкур ҳужжатда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда жамиятда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистлар фаолиятини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шаклларидан фойдаланиш муҳим ўрин тутади. Давлатимиз раҳбарининг соҳа ходимларига йўллаган табригида халқ билан мулоқот, одамларнинг орзу-интилишлари, дарду ташвишлари билан яшаш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бугунги кунда ҳар бир оммавий ахборот воситаси чинакам мулоқот майдончасига, эркин фикр минбарига айланган тақдирдагина ўз олдимизга қўйган мақсадларга эриша олишимиз алоҳида таъкидланган. Дарҳақиқат, ОАВнинг ҳақиқий тўртинчи ҳокимият бўлиб майдонга чиқишига эришиш бугунги давр талабидир.

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида ахборот соҳасида давр билан ҳамқадам яшаб ижод қилаётган, энг долзарб мавзуларни дадил кўтариб, уларга жамоатчилик эътиборини қаратаётган, она Ватан келажаги учун ўзини бағишлашга қодир истеъдодли журналистларни қўллаб-қувватлаш, сўз ва ахборот эркинлигига риоя этиш, мустақил миллий ахборот воситаларини, миллий журналистикани ривожлантиришда давлат кафолатларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг миллий ғоямиз тамойилларини тарғиб этишдаги ролини ошириш, ҳар бир фуқаро онгига, маънавий дунёсига мамлакатимизда озод ва обод ҳаёт барпо этиш — бош мақсадимиз эканини кенг миқёсда ва чуқур сингдириб бориш каби устувор мақсад-вазифалар белгиланган. ЎзМТДП оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва жамиятни модернизация қилиш жараёнларидаги аҳамияти, таъсири ва масъулиятини янада оширишни қўллаб-қувватлайди. Шу боис партия журналистлар, соҳа ходимларининг маҳорати ва билимини мустаҳкамлаш, истеъдодини рағбатлантириш, ахборот етказишда малака ва кўникмаларини ошириш мақсадида доимий равишда ўқув-семинар ва давра суҳбатлари ташкил этиб келмоқда.

Тадбир якунида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ва самарали ёритаётган журналистларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фракция ҳаёти

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Фракция йиғилишида мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Депутатлар дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

— Мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлашга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Мухтабар Ҳусанова. —2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариш вазифаси белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган. Ушбу фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди таркибидаги фуқаролик, жиноий, маъмурий ҳамда хўжалик судини суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштириш кўзда тутилган. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларини иқтисодий судлар

этиб ўзгартириш, ишларни биринчи инстанцияда кўришга ваколатли бўлган туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларни ташкил этиш белгиланди. Бу эса амалдаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш киритишни тақозо этади. Шу боис мазкур қонун лойиҳасида айрим қонун ҳужжатларидан "Олий хўжалик суди" деган атамани чиқариб ташлаш ёки "Олий суд" деган атама билан алмаштириш, "хўжалик суди" ўрнида "иқтисодий суд" атамасини қўллашни назарда тутувчи ўзгартишлар киритиш таклиф этилмоқда.

Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, уни концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда "Формали кийимларини тасдиқлаш, тайёрлаш ва кийиб юриш механизмининг тартибга солинишни муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама қилинди. Мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг шу йил 27 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, идоралари ва ташкилотларининг махсус кийим-бош формасини ишлаб чиқиш, стандартлаштириш, тасдиқлаш ва тайёрлаш механизмини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги, "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунларга вазирлик, идора ва ташкилотларнинг формали кийим-бошини қонунга хилоф равишда бундай ҳуқуққа эга бўлмаган шахсларнинг кийиб юрганлиги учун жарима, маъмурий ва бошқа таъсир чораларини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Ушбу турдаги ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, вазирлик, идора ва ташкилотлар ходимларининг формали кийим-бошини қонунга хилоф равишда кийиб юриш ҳолатларининг олдини олишни таъминлайди.

Йиғилишда сўз олган фракция аъзолари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтиришга кўмаклашиш сингари мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Қўшима йиғилиш

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

— Дарҳақиқат, халқимизнинг бой маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, уни жаҳон афкор оммасига кенг таништириш, энг муҳими, муқаддас ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ташкил этилаётган Ўзбекистондаги Ислом маданияти маркази айни шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Президентимиз маърузасида кўтарилган масалалар бугунги таҳликали мураккаб шароитда юртимиздаги тинчлик-осойишталикни сақлаш, барқарор ривожланишни таъминлаш, айниқса, ёш авлодни турли ёт оқимлар таъсиридан асраб-авайлашда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, "Ўз болангни ўзинг асра!" деган даъват замирида келажак эгаларини ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш, уларни турли бузғунчи ғоялар, мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсади мужассам. Бунда партия фаоллари ҳамда депутатларнинг ўрни, бевосита иштироки жуда муҳим.

Ёшлар ўртасида ўтказилаётган тарғибот тадбирлари таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, турли ёвуз кучлар домига илиниб, тўғри йўлдан адашган ёшларни тарбиялашга кўмаклашиши лозим. Уларни тўғри йўлга қайтариш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун ёрдам бериш халқ вакилларининг бугунги кундаги энг муҳим вазифасидир. Фракция аъзоларининг ҳар ой ҳудудларда аҳоли билан учрашувлари ҳам бу борада яхши самара беради. Шунингдек, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ички ишлар идоралари, таълим муассасалари, маҳаллалар ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ёшлар билан алоҳида, тизимли иш олиб боришимиз зарур. Соҳага оид қонунчиликни инвентаризация қилиш, ўрганишлар якуни юзасидан амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш борасида фракция аъзоларининг фаоллигини янада ошириш талаб этилади.

Дарҳақиқат, Президентимиз нутқида белгиланган вазифалар ЎзМТДП сайловолди Платформасининг маънавий-маърифий, ижтимоий ва ташқи сиёсат йўналишларида илгари сурилган мақсад-вазифаларга мос ва ҳамоҳангдир. Шу боис уларнинг ижросини таъминлашда барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлар бирлашмалари фаоллик кўрсатиши талаб этилади. Айниқса, бошланғич партия ташкилотлари ҳудудларда уюшмаган ёшларнинг турмуш шароити, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, муаммоларини ўрганиш, адашган ёшларни тўғри йўлга қайтариш каби вазифаларни амалга ошириши, бу борада аниқланган муаммоларни партия гуруҳлари эътиборига ҳавола этишлари лозимлиги эътироф этилди.

— Ёшларни турли ёт оқимлар, хусусан, "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан асраш, уларда ана шу иллатларга қарши маънавий иммунитетни шакллантириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш барчамизга дахлдор масаладир, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳамаджонова. — Шу боис навқирон авлодни юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш мақсадида ЎзМТДП тизимида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Биргина "Хизмат-беминнат" лойиҳаси қисқа муддатда минглаб уюшмаган ёшларни қамраб олди. Лойиҳанинг асосий мақсади — уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, касб-ҳунарга ўргатишдан иборат. Айни пайтда "Ўз болангни ўзинг асра!" шиори остида партия фаоллари ва депутатлар иштирокида ёшларни турли оқимлардан огоҳлантириш, адашган ёшларни тарбиялаш, тўғри йўлга қайтаришга қаратилган лойиҳа устида иш олиб боряпмиз. Лойиҳа доирасида диний экстремистик оқим аъзоларининг фарзандлари жамоат ишларига, дунёвий турмуш тарзига, хусусан, фан ва касб-ҳунар тўгараклари, санъат фестиваллари, спорт мусобақаларига жалб қилинади.

Йиғилишда жамоат ташкилотлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, профилактика инспекторлари, ҳокимларнинг ёшлар билан ишлаш ҳамда хотин-қизлар бўйича ўринбосарлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди. Президент маърузасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда жамоатчилик назоратини кучайтириш масаласига алоҳида урғу берилди. Бу борада барча даражадаги партия ташкилотлари масъулиятини ошириш, партиявий фаолиятга янгича ёндашувларни жорий этиш мақсадга мувофиқ экани қайд этилди.

Йиғилишда маърузадан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича амалий таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, миллий марказлар билан ҳамкорликда анжуманлар, давра суҳбатлари ташкил этиш, буюк мутафаккирларимиз асарлари асосида услубий материаллар тайёрлаш, уларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, муқаддас қадамжоларни ободонлаштиришга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича билдирилган таклиф-мулоҳазалар қизғин қўллаб-қувватланди. Билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган маърузасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Амалий семинар

ЎЛМАС МАДАНИЙ МЕРОС

УНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБА ВА АМАЛИЙ ИШ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИНДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Пойи калон ансамблидаги Минораи Калон, Масжиди Калон, мусулмон шарқида шуҳрат қозонган Мир Араб мадрасаси ҳақида иштирокчиларга кенг маълумот берилди. Уч минг йиллик тарихга эга Арк қўрғонига саёҳат давомида ушбу тарихий объектда фаолият кўрсатаётган Бухоро давлат бадиий меъморчилик музей қўриқхонаси фаолияти билан танишилди. Музей қўриқхона ўз таркибига вилоятдаги 19 та музейни қамраб олган. Бу ердаги умумий экспонатлар сони 125 мингтани ташкил қилади, шундан 78 минг 131 таси намойиш этилмоқда.

Иштирокчилар кўҳна шаҳардаги ҳар бир обидани кўздан кечирар экан, ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан сессия қарорида белгиланган чора-тадбирларга мувофиқ ушбу масканларда қандай ишлар амалга оширилгани билан танишди. Тарихий ёдгорликларнинг сессиядан аввалги ва кейинги ҳолати фотосуратлар воситасида муқояса қилинди.

Амалий семинарнинг иккинчи кунида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов иштирок этди. Партия етакчиси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда партиянинг сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ўрни ва роли борасида маъруза қилди.

— 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳасини либераллаштириш каби устувор мақсад-вазифалар белгиланган, — деди партия раиси. — Инчунун сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, Олий Мажлис палаталарининг қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш борасидаги аниқ вазифалар партия ташкилотлари ва депутатларимиз зиммасига улкан масъулият юклайди. Барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларимиз фаолиятини бугунги кун талаблари даражасига кўтариш, Ҳаракатлар стратегияси, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ҳамда партия сайловолди Платформаси ижросини таъминлашда уларнинг иштироки ва фаоллигини янада ошириш талаб этилади. Бунда, айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ўрганиб, сессиялар кун тартибига олиб чиқиши, ўрганиш натижалари асосида парламент қуйи палатасидаги ЎзМТДП фракциясига қонун ижодкорлиги ва парламент назорати юзасидан муайян таклифлар бериши муҳим аҳамиятга эга.

Семинарда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Алишер Қодиров партия фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, бу борадаги айрим муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари хусусида маъруза қилди. Таъкидланганидек, партия депутатлик бирлашмаларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти юртимиздаги ислоҳотлар жараёнида ЎзМТДПнинг фаол иштирокини таъминлаш, партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Маҳаллий Кенгаш депутатлари жойлардаги масала-муаммоларни чуқур ўрганиб, жойида ҳал қилишга интилиши, шунингдек, республика даражасидаги масалалар юзасидан Қонунчилик палатасидаги партия фракциясига таклифлар бериши лозим. Бундан ташқари парламент аъзоларининг ҳар ой муайян муддат жойлардаги ўрганишлари жараёнида маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳам фаол иштирок этиши, фракция аъзолари билан биргаликда иш олиб бориши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Амалий семинар халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари учун ўзаро тажриба алмашиш имкониятини яратди. Партия Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Саиджон Ҳамроев дастурий мақсад-вазифалар ижросини таъминлашда партия гуруҳининг саъй-ҳаракатлари, айниқса, Кенгаш сессияларига ташаббус-масалалар тайёрлаш ва киритиш борасидаги тажрибалари хусусида иштирокчиларга кенг маълумот берди.

— Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз бугунги давр масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда ўз ваколатлари доирасида аниқ ва ҳаётий ташаббусларни амалга оширишга интилмоқда, — деди Саиджон Ҳамроев. — Ўтган сайловларда халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан 18, туман Кенгашларига 64, шаҳар Кенгашларига эса 8 нафар депутат сайланган эди. Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги партия гуруҳимиз аъзолари 2015 йилда жами 130, 2016 йилда эса 169 та депутатлик сўровини амалга оширган. Доимий комиссиялар йиғилишларига 2015 йилда 11 та, 2016 йилда 23 та таклиф киритилган. Сессияларга олиб чиқилган масалалар эса 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 8 тага ошган.

2017 йилдаги фаолиятимиз давомида халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясига "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг жойлардаги ижросини ўрганиш бўйича ташаббус-масалани киритиб, қарор қабул қилинишига эришганимиз бугун ўз самарасини бермоқда. Яъни айни пайтда сессия қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Тоқи Телпакфурушон ва унинг ичкарисида жойлашган Хўжа Муҳаммад Парон зиёратгоҳи реконструкция қилинди. Арк давлат музейи қўриқхонасида таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Дарҳақиқат, партия гуруҳи ташаббуси асосида амалга оширилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар партия сайловолди Платформасида белгиланган мавжуд маданий ёдгорликларни, Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, қайта таъмирлаш, бойитиш ҳамда уларни кенг тарғиб қилишга кўмаклашиш каби вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилмоқда. Халқимиз умуммиллий бойлиги бўлмиш моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, ноёб тарихий мерос объектларини ҳар томонлама ўрганиш, тарғиб қилиш ҳудудда туризм оқими ва даромадларини ошириш имкониятини яратади.

Семинарда жойлардаги маданий мерос объектларининг бугунги аҳволи ва уларни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш барча халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳларининг муҳим вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди. Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳининг тажрибаси мисолида "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг жойлардаги ижросини чуқур ўрганиш, бу борадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Семинар доирасида ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари "Кенгашларнинг сессияларга олиб кирган масалалари ҳамда чиқарилган қарорлар ижроси ва уни назорат қилиш тартиби", "Депутатлик назоратини амалга ошириш ва доимий комиссияга масалалар киритишда мавжуд камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари" ҳамда "Ҳудудлардаги Вакиллик органларидаги депутатлик бирлашмалари билан ишлаш бўйича мутахассислар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботларнинг юритилиш тартиби" каби мавзуларда амалий машғулот ташкил этди. Унда Вакиллик органларидаги депутатлик бирлашмалари билан ишлаш бўйича мутахассислар ўз фаолияти давомида учраётган муаммо ва камчиликлар хусусида фикр-мулоҳаза билдирди, ўзаро тажриба алмашилди.

Амалий семинар якунида ҳудудий партия ташкилотлари ва гуруҳлари раҳбарларига жойлардаги маданий мерос объектларини сақлаш, улардан мақсадли фойдаланиш ҳамда партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан сессиялар кун тартибига ташаббус-масала киритиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Илҳом РАСУЛОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони Вакиллик органларидаги депутатлик бирлашмалари билан ишлаш бўлими бошлиғи:

— Бугунги амалий семинар маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини тубдан кучайтириш, уларнинг сессияларга ташаббус-масалалар олиб чиқиш борасидаги тажрибаларини оммалаштириш мақсадида ташкил этилди. Айниқса, унда иштирок этган маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз фаолияти самарадорлигида нималарга эътибор қаратиши, партия дастурий вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда қандай усул ва воситалардан фойдаланиш зарурлиги борасида аниқ ва амалий кўникмаларга эга бўлдилар.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида мавжуд маданий ёдгорликларни, Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларнинг тарихини чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга кўмаклашиш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Ушбу устувор вазифаларни амалга оширишда халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи тажрибаси намуна вазифасини ўтайди.

Умида РАҲМОНОВА,
халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси:

— Партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, вилоят Кенгаши сессиясига "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг ҳудуддаги ижроси бўйича олиб чиққан ташаббус-масаламиз сессияда қизғин муҳокамага сабаб бўлган эди. Унда партия гуруҳимиз ўрганишлари асосида қатор таклиф-тавсияларни ўртага ташлади. Сессия қарорига мувофиқ вилоятдаги барча маданий мерос объектларига биттадан ташкилот бириктирилиб, уларни ободонлаштириш, кадастр ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ва таъмирлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Бугун вилоятда 660 моддий маданий мерос объекти рўйхатга олинган бўлса, 203 объект кадастр рўйхатидан ўтказилган, 323 объектнинг чегаралари белгиланган. 303 архитектура ёдгорлиги муҳофаза ҳудудлари билан чегараланган. Шу билан бирга, ҳозирда вилоятда давлат муҳофазасига олиниши тавсия этилаётган 64 замонавий, тарихий маданий мерос объекти мавжудлиги бу борадаги ишлар кўлами ҳали ниҳоятда кенглигидан дарак беради. Албатта, бу борадаги вазифалар тегишли ташкилот ва мутасаддилар ҳамда мутахассислардан иборат ишчи гуруҳлар билан ҳамкорликда ҳал этилади. Амалий семинар доирасида бу борада мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида тўпланган тажрибалар билан ҳам ўртоқлашдик.

Норбобо СОАТОВ,
халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:

— Семинарда жойлардаги маданий мерос объектларининг бугунги аҳволи ва уларни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳларининг муҳим вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди. Бухоро вилоятидаги депутатларимизнинг бу борадаги тажрибаси барчамизга манзур бўлди. Улар дастлаб партия ташкилотлари билан биргаликда тегишли мутахассисслар ва экспертлардан иборат ишчи гуруҳлари тузиб, ҳар бир туман ва шаҳардаги тарихий, маданий объектларнинг бугунги кундаги ҳолати, уларни асраб-авайлаб сақлаш бўйича амалга оширилган ишларни чуқур ўрганган. Ўрганишлар асосида аниқ ва амалий таклифлар ишлаб чиқиб, масала шундан сўнг сессияга олиб чиқилгани эътиборга молик. Зеро, ҳар бир нарсанинг пойдевори мустаҳкам бўлса, у, албатта, ўз самарасини беради. Бугунги семинар давомида ана шу ҳақиқатни яна бир карра англадик, тажрибалар, билдирилган таклиф-тавсияларни ўз фаолиятимизга жорий этиш учун белгилаб олдик.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Муносабат

МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ УЧУН ҒОЯТ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Юртимиз бой тарихи, маданияти, буюк алломалари билан дунё тамаддуни ривожида ўз ўрни ва мавқеига эга. Улуғ аждодларимиз қолдирган илмий-маънавий мерос, қўлёзма ва битиклар тарих тилсимларини очиш ва чуқур ўрганишда муҳим ўрин тутади.

Аммо минг афсуски, турли босқинчилик ва зўравонликлар натижасида кўплаб маданий бойликларимиз йўқ қилинди, нодир қўлёзма китобларни ўзида жамлаган кутубхоналарнинг кули кўкка совурилди, аксарият қисми бегона юртларга олиб кетилди. Айниқса, шўролар даврида миллий қадриятларимиз топталди, кўплаб маданий мерос объектлари совет даври хўжаликларининг омборхоналарига айлантирилиб, аянчли аҳволга келиб қолганди. Тарихий маълумотларга кўра, босқинчилар зўрлик ва алдов билан тортиб олган маданий бойликларни Туркистон бозорларида хорижликларга сотиб юборган, айримларини ўз юртига олиб кетган. Биргина 1917-1923 йилларда Туркистон ўлкасидан тўплаб олиб кетилган осори атиқалар, маданий бойликлар 254 минг 200 тани ташкил этган. Булар расмий маълумотлар холос, ўғирлангани, қуйдирилгани, нобуд қилингани эса ҳисобсиз.

Истиқлол туфайли қадриятларимиз тикланиб, маданий мерос объектлари халқимизнинг маънавий-маърифий мулкига айланди. Маданий бойликларимизни асраб-авайлаш, бойитиш, ўрганиш, тадқиқ этиш борасида қатор саъй-ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мазкур қарорда миллий ва хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, чет элларда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базасини яратиш, шунингдек, ана шу тарихий экспонатларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини, фото ва видеотасвирларини юртимизга олиб келиш, уларни тадқиқ ва кенг тарғиб этиш борасида долзарб вазифа ҳамда чора-тадбирлар белгиланган. Ушбу қарорда кўзда тутилган мақсад-вазифалар аждодларимиз меросини асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, айниқса, ёш авлодни ана шу бой илмий-маънавий меросдан баҳраманд этишда устувор аҳамият касб этади.

Мазкур қарор мазмун-моҳияти Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад-вазифалари билан муштарак ва ҳамоҳанг эканлиги ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Соҳага оид қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати парламент қуйи палатасидаги партия фракциясидан ташаббускорликни талаб этади.

Нодир МУХТОРОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

ХАЛҚИМИЗ МАДАНИЯТИНИНГ НОДИР ДУРДОНАЛАРИ

Ўзбекистон инсоният цивилизациясининг қадимий манзилларидан бири. Халқимизнинг юксак маънавияти ва маданиятини намойиш этадиган ҳунармандчилик маҳсулотлари, тарихий-маданий мероси, бетакрор ёдгорликлари азалдан жаҳон аҳлининг диққатини тортган, эътирофига сазовор бўлган. Бироқ, афсуски, уларнинг энг нодир намуналари турли даврларда ва шароитда четга олиб кетилган. Бугун улар хорижий давлатларнинг фонд ва музейлари, илмий-маърифий муассасаларида сақланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ана шундай нодир бойликларимизни ўзининг асл маконига — Ватанимизга қайтаришга, уларни ўрганиш ва татқиқ этишга қаратилган. Мазкур қарорга мувофиқ ташкил этилаётган марказ миллий ва хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, чет элларда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базаси — реестрини яратиш ва уни мунтазам янгилаб бориш, шунингдек, ана шу тарихий экспонатларнинг асл ёки кўчирма нусхаларини, фото ва видеотасвирларини юртимизга олиб келиш, олиб бориш ва зарур чора-тадбирлар кўриш, бу борада халқаро миқёсдаги илғор тажрибани ўрганиш ва амалиётга жорий этиш каби вазифаларни амалга оширади.

Ватанимиз тарихига оид маданий бойликларнинг юртимизга қайтарилиши, бир жойда тўпланиб, намойиш этилиши муҳим тарихий аҳамиятга эга. Улар, энг аввало, аждодларимиз яратган маданий ёдгорликлар билан яқиндан танишиш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялашдек улуғ мақсадларга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, хориж сафарида бўлганимизда ёки глобал Интернет орқали аждодларимиз яратган илмий ва маданий меросимизнинг ноёб намуналари, археология, кулолчилик, металл буюмлар, нумизматика, тўқимачилик, заргарлик санъати ва тасвирий санъат буюмларини кўриб, ҳар биримизда беихтиёр қадимий ва бой маданиятимиздан ғурурланиш туйғуси уйғонади. Ушбу тарихий бойликларни излаб топиш ва халқимизга етказиш ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари билан уйғун ва ҳамоҳанг. Зотан, партия сайловолди Платформасида белгиланганидек, тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга кўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур меҳр-ҳурмат, эҳтиром уйғотиш вазифаси бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бахтиёр ҲАСАНОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси

ОНГДА — ИМОН, ТИЛДА — ҲАҚИҚАТ, ДИЛДА — ЭЪТИҚОД УСТУВОР БЎЛСИН

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Шу нуқтаи назардан, мазмун-моҳиятан кенг қамровли, ҳаётий таҳлиллар асосида чуқур ёндашилган ҳамда давлат ва жамият олдидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифалар аниқ кўрсатиб берилган мазкур нутқни кенг жамоатчилик катта қизиқиш билан ўрганмоқда.

ДИН ВА ЖАМИЯТ

Ушбу тарихий анжуманда эл-юртимиз ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлган дин арбоблари, илм-фан, маданият намояндалари, жамоатчилик вакилларидан иборат кенг зиёлилар қатлами қатнашгани ниҳоятда муҳимдир. Чунки, анжуманда чуқур муҳокама қилинган масала, мамлакатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ижтимоий-маънавий соҳани янада ривожлантириш, оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш вазифаси бугунги кунда улкан аҳамият касб этмоқда.

Бу ҳақда фикр юритганда, авваламбор, Конституциямиз ва қонунларимизда миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча фуқароларимиз тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани кафолатлаб қўйилганини, уларга ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш, ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилганини таъкидлаш лозим. Айни вақтда изчиллик билан амалга оширилаётган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"нинг бешинчи устувор йўналишида ҳам миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш бўйича энг муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, "Ҳаракатлар стратегияси" барча соҳа ва тармоқларда ҳаётимизга чуқур кириб, амалий ҳаракатларимиз мезонига айланиб бормоқда. Айниқса, 2017 йилнинг юртимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилингани бу борада катта аҳамият касб этади.

Бинобарин, Истиқлол йилларида юртимизда янги Уйғониш даври бошланди. Бу, айниқса, диний соҳада яққол намоён бўлди. Диний китоблар, Қуръони карим ва Ҳадиси шарифлар чоп этилди. Диний ёдгорликлар тикланди, қадамжо ва зиёратгоҳлар таъмирланди. Улуғ аждодларимизнинг юбилейлари мунтазам нишонлаб келинмоқда. Юртимизда эркин ибодат қилиш кафолатланган бўлиб, фуқароларга диний маросимларни очиқ-ошкора адо этиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Диний байрамлар ўтказилмоқда. Кейинги вақтда диний таълим олиш имкониятлари ва кўлами янада кенгайди.

Ҳар йили ҳаж ва умра сафарлари амалга оширилмоқда. Бу ўринда, албатта, Президентимиз нутқида келтирилган қуйидаги далил ва рақамлар жуда аҳамиятли: **ўша қарамлик йилларида Ўзбекистонда саноқли кишиларгина ҳаж қилиш имкониятига эга бўлган эди, холос. Мустақиллик йилларида эса ҳар йили 5 мингдан зиёд юртдошимиз ҳаж зиёратига бориб келади. Жумладан, жорий йилда 7200 нафар фуқаро муборак ҳаж сафарини амалга ошириш имконига эга бўлади.**

Буларнинг барчаси замирида, шубҳасиз, Ўзбекистонда диннинг конституциявий институт мақомига эга экани муҳим омил бўлмоқда. Асосий Қонунимизнинг 31-моддасига кўра, "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди". Булар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳисобланади.

Шу билан бирга, Бош Қомусимизнинг 57-моддасида бу борадаги муайян мажбуриятлар ҳам назарда тутилган. Яъни, "Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади".

Бу — бутун жаҳонда умумэътироф этилган нормалардир. Ушбу қоидалар диний ташкилотларга ҳам тааллуқли. Конституциямизнинг 61-моддасида қайд этилганидек, "Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди". Содда қилиб айтганда, юртимизда дин давлатдан ажратилган. Шунинг учун Ўзбекистон — дунёвий давлатдир. Шу билан бирга, давлат ислом маданиятига таянади.

Дин — фуқаролик жамиятининг муҳим институти. Шу маънода, диний ташкилотларга доир нормалар Конституциянинг "Жамият ва шахс" номли учинчи бўлимида берилган. Асосий Қонунимизнинг 48-моддасига биноан, "Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар". Ана шундай муҳим конституциявий ҳуқуққа риоя этилгани туфайли, агар собиқ мустабид тузум даврида юртимизда 80 га яқин масжид фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 2 минг 42 тани ташкил этмоқда.

Конституциянинг 49-моддасига мувофиқ, "Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар". Шу ўринда ислом дини, улуғ аждодларимиз эл-юртимизнинг бой тарихий, маънавий ва маданий меросига улкан ҳисса қўшганини таъкидлаш зарур. Юртимизда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 138 та миллий маданий марказ катта роль ўйнамоқда.

Шу борада, давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, **дунё тарихида илк Шарқ Уйғониш даври — Мусулмон Ренессанси деб ном олган ўрта асрлар ва ундан кейинги замонларда бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти, муқаддас ислом дини ривожига қўшган бебаҳо ҳиссаси дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.** Хусусан, IX-XI асрларда Хоразмда ташкил этилган Маъмун академияси ва "Байт ул-ҳикма", яъни "Донишмандлик уйи" деган ном билан шуҳрат қозонган Бағдод академиясида, XV асрда Самарқандда шаклланган Мирзо Улуғбекнинг илмий мактабида самарали меҳнат қилган олимлар, ўтмишда юртимизда ислом динининг мазмун-моҳиятини чуқур тадқиқ қилиш ва тарғиб этиш бўйича бетакрор асарлар яратган уламолар бутун дунёга донг таратганлар.

Бугунги кунда мамлакатимизда ана шу улуғ аждодлар изидан бораётган уламоларимиз ва дин соҳаси ходимлари диний билимларни пухта эгаллаш билан бир қаторда, дунёвий ва ҳуқуқий билимларни ҳам билишлари даркор. Айниқса, Конституция ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликдан хабардор бўлишлари ва уларга риоя қилишлари шарт.

Дин соҳаси ходимлари, шунингдек, виждон эркинлигига оид халқаро ҳуқуқ нормаларидан ҳам яхши хабардор бўлишлари талаб этилади. Шундай экан, диний ўқув юртларида ҳам Конституция ва ҳуқуқий билимлар ўқитилиши тақозо этилади. Хусусан, Имом Бухорий марказида ҳозирги пайтда Конституция асослари ўқитилмоқда.

ДАВЛАТ ВА ДИН

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунда қуйидаги уч ҳолат, яъни миссионерлик фаолияти, прозелитизм, рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолияти тақиқланади. Бу қоидалар Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига тўла жавоб беради.

Бу қоидалар, шунингдек, мамлакатимизда ҳукм сураётган диний бағрикенгликни таъминлашга хизмат қилади. Зеро, бугун мамлакатимизда диндорларга кенг имкониятлар яратиб берилгани, диний эътиқод эркинлиги таъминланган, масжиду мадрасалар иймон аҳлининг ихтиёрида эканининг ўзиёқ давлатимизнинг оқилона сиёсати ифодасидир.

Айни чоғда, давлатимиз раҳбари айтмоқчи, юртимизда яратилган имкониятлардан тўғри фойдаланмасдан, эгри қадам босадиган, эл-юртимизга иснод келтирадиган кимсалар билан таъсирчан ва самарали иш олиб бориш зарур. Ёшларнинг турли норасмий диний гуруҳларга кириб қолиши сабабларини теран ўрганиш даркор. Нега деганда, миссионерлар, яъни даъватчилар жуда пихини ёрган руҳшунослар бўлиб, эътиқоди ва иродаси бўш кишиларни танлаб, ўз ёвуз ниятлари домига тортади.

Шу тариқа Президентимиз юрагидаги гапларни очиқ, куйиниб айтди. Жамият олдида турган долзарб муаммоларни танқидий асосда чуқур таҳлил қилиб берди ва барчани жамиятда маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш бўйича очиқ мулоқотга чақирди. Маънавият эса пок диний эътиқодсиз юксак ва тўлақонли бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига ислом маданияти ва қадриятларини тарғиб қилиши миллатлараро, маданиятлараро муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлади. Бу қадам, шунингдек, ёшларимизни турли ёт ғоялардан асраш, уларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, комил инсон бўлиб етишиши, навқирон авлоднинг қалбида буюк аждодларимизга муносиб бўлишдек юксак туйғуларни шакллантиришга хизмат қилади.

Аҳамиятли томони шундаки, Ўзбекистон давлати ва жамиятининг диний масаладаги, айниқса, жаҳолатга қарши маърифат, таълим-тарбияни кучайтириш билан курашиш зарурлигига доир истиқболли ёндашуви дунёнинг кўплаб мусулмон мамлакатлари ва АҚШ каби йирик демократик ривожланган давлатлар саъй-ҳаракатлари билан уйғун ва ҳамоҳангдир.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан кенг жамоатчилик, дин арбоблари, барча юртдошларимиз томонидан катта қизиқиш ҳамда мамнуният билан кутиб олингани бежиз эмас. Чунки ушбу нутқ, шунингдек, шу йил 20 июнда қабул қилинган "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги ҳамда 23 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари мамлакатимизда инсон ва унинг манфаатлари устувор эканлигига яққол амалий далиллардир.

Ўз навбатида, Президентимизнинг дин уламоларини очиқ мулоқотга чорлашлари тинч ва осуда ҳаётимизни асраб-авайлаш, хотиржамлигимизга путур етказадиган ҳар қандай ғов ва тўсиқлар билан аёвсиз кураш олиб бориш, фарзандларимиз таълим ва тарбиясига янада жиддий эътибор беришга даъватдир. Бинобарин, тинчлик — дунёдаги энг бебаҳо неъмат. Бахтимиз шундаки, биз ана шундай хотиржамлик ҳукмрон юрт фарзандларимиз. Буни мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси теран англаши ва қадрлаш лозим.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Ислом маданиятига мансуб бўлган 1300 йиллик тарихга эга, ўтмиш қаъридан оламга нур таратиб келган муқаддас обидалар — масжид ва мадрасалар, аждодларимиздан қолган тарихий меросимиз қайта тикланди. Бугун инсоний қадриятларимизнинг асосини ташкил этган ислом дини таълимотларидан бемалол баҳраманд бўла бошладик.

Ватанимиз мустақиллиги йилдан-йилга мустаҳкамланиб, Ўзбекистон халқаро миқёсда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, халқимизнинг турмуш даражаси, эл-юрт фаровонлиги янада равнақ топмоқда. Заминимиз улуғ алломалар, буюк инсонлар етишиб чиққани билан дунёга машҳур. Айниқса, ислом оламида Қуръони каримни ёд этиб, тафсир қилган, ақида илмида ном қозонган алломаларнинг китоблари бугун дунёнинг нуфузли илм даргоҳларида ўқитилмоқда.

Кейинги бир ой ичида БМТ Бош котиби ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари мамлакатимизга ташриф буюрди. Юқори мартабали ҳар икки меҳмон Самарқанд шаҳрида бўлиб, вилоятдаги 6 та диний ташкилот ва 9 та миллий-маданий марказ ходимлари, бу ерда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари билан учрашдилар.

Эътиборли жиҳати шундаки, уларнинг иккиси ҳам учрашув иштирокчиларига шундай саволлар билан мурожаат қилди: "Бутун дунёда юз бераётган аксарият низоларнинг негизида диний ва миллий қарама-қаршиликлар, шафқатсиз ихтилофлар ётибди. Сизларда эса кўп асрлик диний ва миллий бағрикенглик муҳити яратилган. Бунга қандай эришгансиз? Маслаҳат беринг: низоларнинг олдини олиш учун нима ишлар қилайлик?"

Жаноб Антониу Гутерриш ҳам, Зайд Раад ал-Ҳусайн ҳам Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига шахсан эътибор қаратилаётгани, жумладан, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингани ва изчил бажарилаётгани, суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотлар амалга оширилаётганига юксак баҳо бердилар. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари нафақат халқимиз томонидан, айни чоғда халқаро миқёсда ҳам кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Бу борада, айниқса, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида **ҳадисшунослик, фиқҳ, тасаввуфга оид бой меросни ўрганиш бўйича замонавий илмий марказлар ташкил этилаётгани диққатга лойиқдир.** Сўнгги вақтда Тошкент шаҳрида — Хастимом мажмуасига ёндош ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида давлат муассасаси шаклида фаолият юритадиган Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказига асос солинди. Шунингдек, пойтахтимизда жойлашган Имом Термизий номидаги масжид ва Сузук ота мақбарасини таъмирлаш; Самарқандда — Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқотлар марказини барпо этиш юзасидан бир қатор амалий натижаларга эришилди.

Айни пайтда бу йўналишдаги ишлар қизғин давом эттирилмоқда. Хусусан, Бухорода — Баҳоуддин Нақшбанд қадамжосини янада обод этиш, машҳур Мир Араб мадрасаси қадимий биноларини тубдан таъмирлаш; Сурхондарёда — буюк ҳадисшунос аллома Исо Термизий номи билан боғлиқ алоҳида илмий марказ очиш билан боғлиқ ташаббуслар муҳим самаралар бермоқда. Бундан ташқари, Қашқадарё заминида буюк аллома, мотуридия таълимотининг йирик вакили Абу Муин Насафий мақбарасини таъмирлаб, у зотнинг калом илми, яъни исломий эътиқод поклигига оид долзарб маънавий меросини тарғиб этиш ишлари изчил бормоқда.

Халқимизга, ёшларимизга қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини англатиш, фарзандларимизни шу улуғ тарихимиз, бой маданиятимиз, маънавий-диний меросимизга муносиб этиб тарбиялашга қаратилган ана шу эзгу ишлар нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам жиддий қизиқиш уйғотмоқда. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, **"Дунёдаги, мусулмон оламидаги нуфузли халқаро ташкилотлар, катта обрў-эътиборга эга бўлган расмий шахслар бу борада биз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдиришмоқда".**

Маълумки, 2016 йил октябрь ойида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтказилган учрашувида Ўзбекистон томонидан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқотлар марказини тузиш тўғрисида ташаббус илгари сурилган эди. Президентимизнинг Саудия Арабистонига сафари пайтида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Ислом тараққиёт банки ўртасида айни шу масала бўйича англашув меморандуми имзоланди.

Хулоса ўрнида шуни ҳам айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг нутқини мамлакатимиз кенг жамоатчилиги қатори "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзолари ҳам атрофлича ўрганмоқда. Бинобарин, ушбу нутқда белгиланган устувор вазифалар партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар, хусусан, халқимизнинг маънавияти ривожи ва жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, бағрикенглик, яхшилик ва саховатпешалик каби миллий қадриятларимиз тарғиботига асосланган лойиҳаларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Ёшлар форуми

Юртимизда ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодга ғамхўрлик борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка йўналтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар кўлами эътиборга молик.

"БАРКАМОЛ ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ"

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДА ШУ НОМДА ФОРУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшларни энди нафақат иш билан таъминлаш, балки имтиёзли банк кредити ҳисобига ўз бизнесини йўлга қўйиб, янги иш ўрни яратиши ҳам одатий ҳолга айланди. Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётир. Партия Тошкент вилоят кенгашининг Бўстонлиқ туманидаги "Хўжакент" оромгоҳида ташкил этган "Баркамол ёшлар — юрт келажаги" деб номланган ёшлар форуми ана шундай эзгу мақсадга қаратилди.

Форум доирасида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда коллеж битирувчилари, уюшмаган ва ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида тумандаги 50 дан ортиқ ташкилот ва корхона ўзининг минтқа яқин бўш иш ўрни билан қатнашди. Савдо-саноат палатаси туман филиали вакиллари ўз бизнесини бошламоқчи бўлган ёшларга бизнес-режа тузиш, унда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида тушунчалар берди.

— Бундан кўзланган асосий мақсад — ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборат, — деди ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. — Ўз бизнесини бошламоқчи бўлган ёшлар келажаги йўлида бугун қўйилган бир қадам эртанги кунимизга мустаҳкам пойдевордир. Бу жараёнда партия вилоят ташкилотлари ва халқ депутатлари Бўстонлиқ туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, фаол иштирок этмоқда. Бугунги форум маҳаллий ёшлар, айниқса, коллеж битирувчилари учун айни муддао бўлди. Хусусан, бўш иш ўринлари ярмаркаси доирасида ёш мутахассислар билан суҳбатлар ўтказилди, уларнинг ишга ва ўз келажагига муносабати, режа ва орзулари билан ўртоқлашилди, тадбиркор бўлиш шарт-шароитлари, кредит олиш йўл-йўриқлари ҳақида маълумотлар берилди. Агар мазкур форум воситасида ёшларнинг оқилона қарор қабул қилиши, тўғри йўл танлай олишига озгина кўмаклашган бўлсак, мақсадимизга эришган бўламиз.

Форум иштирокчилари билан суҳбатлашиш жараёнида касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг аксарияти ўз қизиқиш ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мутахассислиги бўйича ишлаш, олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирди.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ёш тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратилишида кўмаклашаётгани менда қизиқиш уйғотди, — дейди Бўстонлиқ тумани Қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи битирувчиси Фарзона Эркинбоева. — Ота-онам билан маслаҳатлашиб, кредит олишга қарор қилдим. Бизнес-режам истиқболли деб топилди ва партия кўмаги билан банкдан кредит олиш учун сертификатни қўлга киритдим. Бундан бўён қандолат маҳсулотлари ва ширинликлар ишлаб чиқарадиган ўз цехимиз бўлади.

Форум доирасида "Халқ банки" ва "Микрокредитбанк" АТБнинг Бўстонлиқ туман филиаллари 8 нафар битирувчига имтиёзли банк кредити олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни топширди. Форумда шоир ва хонандаларнинг тинчликни, Ватанни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлари йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
26 (458) 2017 йил 28 июнь, чоршанба

Назорат-таҳлил

АХБОРОТ-КУТУБХОНА ФАОЛИЯТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

Китобхонлик маданиятини янада юксалтириш, ёш авлодни мутолаага ундаш каби вазифалар бугунги кунда мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки кенг дунёқараш, юксак билим ва тафаккурга эга авлодни вояга етказишда китобнинг ўрни беқиёс.

Бу борада, айниқса, кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари фаолияти муҳим ўрин тутади. Чунки бундай масканлар бой китоб фондига эга бўлса, самарали ишласа, етарли шарт-шароит яратилса ёшларни мутолаага қизиқтириш, уларда китобхонлик маданиятини юксалтириш каби эзгу мақсадларга эришиш осон кечади.

Мустақиллик йилларида мазкур соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида замонавий ахборот-коммуникация технологияларига эга ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари ташкил этилди. 2011 йилда "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, ахборот-кутубхона фаолиятини тартибга солувчи меъёрлар жорий этилди. Мазкур қонунда ахборот-кутубхона фаолияти тизими, уларнинг давлат томонидан тартибга солиниши, молиялаштирилиши ҳамда ахборот-кутубхона хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқлари белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёвнинг шу йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур фармойиш билан китобхонлик маданияти ғоят долзарб, кечиктириб бўлмайдиган давлат сиёсати даражасидаги масала сифатида кун тартибига қўйилди.

Ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг бугунги аҳволи, китобхонлик ва мутолаа маданияти даражасини ўрганиш, ушбу масалада парламент назоратини амалга ошириш учун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ЎзМТДП фракцияси тасарруфидаги Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг ҳудудлардаги ижросини таҳлил қилди.

Назорат-таҳлил фаолияти янгича ёндашув асосида ташкил этилди: парламент аъзолари ҳар ойда 10-12 кун мобайнида ҳудудларга чиқиб, аҳоли билан учрашиш ва ҳақиқий аҳволни ўрганиш жараёнларида таълим муассасаларида фаолият юритаётган ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ҳолатини ҳам ўрганди.

Ўрганиш натижалари кўпгина ахборот-ресурс марказлари ҳолати талаб даражасидан анча паст эканини кўрсатди. Ҳудудларда ахборот кутубхона ҳамда ахборот-ресурс марказларининг асосий қисми касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ҳамда умумтаълим мактабларида жойлашган. Коллежлардаги ахборот-ресурс марказлари базаси бирмунча яхши бўлса-да, китоб фонди асосан соҳага доир дарсликлардан иборат. Бадиий ва бошқа адабиётлар сони жуда кам, даврий нашрлар сони 5-10 тадан ошмайди. Масалан, китоб фонди 7 минг 500 тани ташкил қилувчи ахборот-ресурс марказида атиги 250 дона бадиий китоб мавжуд. Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежларидаги ахборот-ресурс марказларига аҳоли исталган пайтда кира олади, деб бўлмайди. Шу боис аҳолининг кенг қатламига хизмат кўрсатиш даражаси 22 фоизни, умумтаълим мактабларида эса атиги 16 фоизни ташкил қилади.

Яна бир муҳим жиҳат: ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари аввалги оддий кутубхоналардан фарқли равишда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган бўлиши, Интернетга, шу жумладан ZiyoNET порталига уланиши, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, бошқа ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари билан ўзаро электрон тарзда боғланиши ҳамда бошқа кутубхоналардаги мавжуд электрон адабиётлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим. Бироқ, кўздан кечирилган ахборот-ресурс марказларининг аксарияти Интернет тармоғига уланмаган, айримларида эса ички локал тармоқ ҳам мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

Айрим марказларда эса техник жиҳатдан носоз, маънан эскирган компьютер тўпламларидан фойдаланилмоқда. Рақамларга мурожаат қилсак: ўрганилган 74 академик лицей ва касб-ҳунар коллежидаги ахборот-ресурс марказларининг атиги 20 фоизи Интернет тармоғидан фойдаланиш имконига эга. 76 та умумтаълим мактабидаги ахборот-ресурс марказларида эса бу кўрсаткич янада ачинарли — атиги 7 фоиз марказ глобал тармоққа уланган. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги ахборот-ресурс марказларининг 7 фоизи ички локал тармоққа уланган, умумтаълим мактабларида эса бу кўрсаткич 3 фоизни ташкил қилади. Энг ачинарлиси шундаки, лицей ва коллежлардаги компьютер техникасининг 69 фоизи, мактабларда эса 74 фоизи носоз ҳолатда. Назорат-таҳлил давомида ижтимоий сўровлар, юзма-юз мулоқотлар орқали аҳолининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ўрганиб чиқилди. Хусусан, сўровномада иштирок этган респондентларнинг 95 фоизи ҳудудлардаги ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятидан қониқмаслигини билдирган.

Ўрганишлар жараёнида бу борада миллий қонунчилигимизда ҳам талай бўшлиқлар борлиги аниқланди. Масалан, "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасида Ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у махсус ваколат берган давлат органи томонидан амалга оширилиши, 7-моддасида эса махсус ваколатли органнинг ваколатлари белгиланган бўлса-да, бироқ бугунга қадар у қайси давлат органи экани аниқ кўрсатилмаган. Бундан ташқари, ахборот-кутубхона муассасалари ўртасида ягона тизим йўқлиги, уларнинг турли ташкилот ва идораларга бўйсуниши ҳам қатор ноқулайликларга сабаб бўлмоқда. Масалан, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Вазирлар Маҳкамасига, вилоят марказларидаги 14 ахборот-кутубхона маркази ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига, ахборот-ресурс марказларининг аксарият қисми эса Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликларига қарашли. Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларига қарашли ахборот-ресурс марказларининг китоб фондини шакллантириш бўйича Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар фақат дарсликлар сотиб олишга йўналтирилади. Бошқа турдаги китобларни эса муассаса ўз имкониятидан келиб чиқиб харид қилиши мумкин. Энг асосий муаммо — ахборот-кутубхона муассасаларини соҳа бўйича мутахассис кадрлар билан таъминлаш ва уларни қайта тайёрлаш масаласи етарли даражада йўлга қўйилмаган. Аслида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот-технологиялари университетини ҳар йили 60 талаба ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик йўналиши бўйича тамомлайди. Лекин ахборот-кутубхона муассасаларида асосан номутахассис кадрлар фаолият юритиб келмоқда. Бу борадаги ҳолатни муфассал ўрганиш ҳамда муайян тартибга солиш кечиктириб бўлмас вазифалардандир.

Мухтасар айтганда, сўнгги йилларда мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бой маданий меросимиз ҳисобланган ахборот-кутубхона фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда. Бироқ, афсуски, ахборот-кутубхоналарнинг бугунги аҳволи қониқарли даражада эмаслиги аксарият бажарилиши лозим бўлган ишлар фақат қоғозда қолиб кетаётганлигидан далолат бермоқда. Бу эса соҳада кечиктириб бўлмайдиган ислоҳотларни амалга ошириш, аниқ манзилли чоралар кўрилишини тақозо этмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида камол топиб келаётган авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишни кучайтириш, қолаверса, миллий ахборот тизимлари ва миллий ахборот ресурсларини, айниқса, Интернет тармоғининг миллий сегментларини ривожлантириш мақсад-вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, бу борадаги ишларимиз самарадорлигини ошириш, ҳудудларда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш биз депутатлар олдидаги муҳим вазифадир. Токи, кутубхоналар — ахборот-кутубхона фаолияти ва уни янада ривожлантириш борасида давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим бўғин сифатида фаолият кўрсатсин.

Шуҳрат ТЎХТАБОЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Миллий гурур

ОРЗУЛАРИ УШАЛАЁТГАН ШОҲЖАҲОН

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Қашқадарёлик Шоҳжаҳон Муҳаммадиев болаликдан ўзига хос ва бетакрор, бир қадар мураккаб мусиқа асбоби — трубага меҳр қўйди. Телевизор орқали ҳарбий оркестр гуруҳларининг чиқишлари, уларнинг жўр бўлиб куй ижро этишлари унинг қизиқиши ва ҳавасини янада оширди.

Санъатга иштиёқманд ёш мусиқачи дастлаб Қарши шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида халқ чолғулари йўналиши бўйича таҳсил олди. Лекин унинг болаликдан меҳр қўйган трубага бўлган иштиёқи заррача сўнмади. Бошқа чолғулар билан бирга уни ҳам ўргана бошлади. Шоҳжаҳон 4-синфдан бошлаб Тошкентдаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат мактабининг дамли ва зарбли чолғулар йўналишида таҳсил ола бошлади. Ана шу даврда у трубанинг барча сир-синоатини ўрганди, тажрибали устозлардан сабоқ олди.

Мактабни тамомлаган Шоҳжаҳон Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейида ўқишни давом эттирди.

Тинимсиз изланиш ва кўникмалар Шоҳжаҳоннинг қатор муваффақиятларига йўл очди: 2010 йилда "Санъат ғунчалари" ёш мусиқачилар республика танловида ғолиб чиқди, Қозоғистоннинг Остона шаҳридаги "Астана Мерей" номли 5-Халқаро ёш ижрочилар танловида 3-ўринни олди. 2013 йилда "Маданият, санъат ва мусиқа коллежлари ҳамда академик лицейлари ёш ижрочиларининг республика кўрик-танлови"да 1-ўринни эгаллади. 2014 йили Ўзбекистон давлат консерваториясининг "Бастакорлик, оркестр чолғулари ва эстрада санъати" факультетига имтиёзли равишда қабул қилинди.

Олий ўқув юрти муҳити ва сабоқлари Шоҳжаҳонни янада юқори мақсадлар сари етаклади. Консерваторияда дамли чолғулар оркестри сафига қўшилди, муайян кўникмага эга бўлди. Унинг меҳнатлари бесамар кетмади: 2015 йилда Арманистоннинг Гюмри шаҳрида ўтказилган "Возраждения" халқаро мусиқа танловида ўз йўналиши бўйича биринчи ўрин соҳиби бўлди.

— Ўғил-қизларимизнинг мусиқий диди ва тафаккурини юксалтиришда, айниқса, халқаро танловлар, санъат байрами ва фестивалларнинг ўрни катта. Уларда ёш мусиқачиларимиз муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларга сазовор бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси катта ўқитувчиси Фарҳод Абдуллаев. — Масалан, Шоҳжаҳон Италия, Франция, АҚШ ва Россия каби нуфузли давлатларнинг ёш ижрочилари орасида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Бу, албатта, Шоҳжаҳон учун сўнгги марра эмас. Унинг ёш авлод учун яратилаётган барча шарт-шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, бундан-да юқори чўққиларни забт этишига ишонаман.

Ёш мусиқачи бугун таълим олиш билан бир қаторда миллий симфоник оркестрда ҳам фаолият олиб бормоқда. Яқинда ёшлар симфоник оркестри ҳамроҳлигида Латвиянинг Рига шаҳрида ташкил этилган концерт дастурида иштирок этиб қайтди.

— Осмони мусаффо, ҳаёти тинч-осойишта, халқи ҳамжиҳат юртдагина санъат гуллаб-яшнайди, — дейди Ш.Муҳаммадиев. — Мамлакатимиз истеъдодларга бой. Буларнинг барчаси юртимизда ёш авлодга кўрсатилаётган чексиз эътибор туфайлидир. Мен ҳам шундай бахтлилар қаторида эканлигимдан фахрланаман. Болаликдаги орзуларим ушалаётгани мени янги марра ва мақсадлар сари ундайди.

Шоҳжаҳон эришаётган муваффақиятлар, албатта, бежиз эмас. Чунки у оламга машҳур Моцарт, Бетховен, Гайден, Чайковский ҳамда А.Ратуня асарларини ҳам чуқур ўрганиб, ҳам севиб ижро этиб келаётир. Зеро, орттирилган тажриба ва билимлар катта ютуқларга қанот бўлиши шубҳасиз.

Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Пайшанба — профилактика куни

ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ САМАРА БЕРМОҚДА

Жиноятчиликнинг олдини олиш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ва фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда ҳафтанинг ҳар пайшанба куни мамлакат бўйлаб ўтказилаётган профилактика тадбирлари катта аҳамият касб этмоқда. Хоразм вилоятида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳокимият ва жамоатчилик вакилларидан ташкил топган жами 2 минг 700 дан зиёд киши профилактика куни тадбирларида фаол иштирок этмоқда. Мазкур тадбирларнинг самарали ташкил қилинишида уларга жалб қилинган ички ишлар идораларининг 950 ходими муносиб ҳисса қўшаётир.

— Ёшларнинг жиноят кўчасига кириб кетишининг олдини олишда "Давомат" тадбирлари, муҳим ўрин тутади, — дейди вилоят Ички ишлар бошқармаси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Одилбек Жуманиёзов. — Масалан, шу йилнинг 1 июнь кунига қадар вилоятдаги мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда 324 марта ўқувчилар давомати ўрганилганда, 553 ўқувчининг дарсларга сабабсиз қатнашмаётгани аниқланиб, ўқишга қайтарилди. Ёшлар тарбиясида бундай бепарволикка йўл қўйган ота-оналар билан суҳбатлар ўтказилиб, уларга маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

Профилактика куни тадбирлари кўламининг нечоғлик кенг эканлигини қуйидаги рақамлар ҳам яққол тасдиқлайди. Жамоат тартибини сақлаш мақсадида 955 патруллик йўналиши ташкил қилинди, 2 минг 362 ов қуроли текширилди, мулкий турдаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида 44 объект қўриқлаш пультига уланди, 80 тасига видеокузатув мосламалари ўрнатилди. Жамоат тартибини сақлаш, оилавий қадриятларни ҳимоя қилиш ва бошқа муҳим масалалар билан боғлиқ маъмурий ишлар бўйича 74 сайёр суд мажлислари ўтказилиб, қидирувда юрган 4 шахс ушланди, 4 шахс вилоят ИИБнинг реабилитация марказига, 11 киши соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш муассасаларига жойлаштирилди.

Тадбирга жалб қилинган соҳа ходимлари 53 мингдан зиёд хонадонни ўрганиб, паспорт-виза қоидаларини бузган 489 шахсга нисбатан қонуний чоралар кўрди.

Вилоятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ички ишлар ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳокимият ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда, таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиниши, жиноятчиликнинг ҳамда ёнғин ҳолатларининг олдини олиш, паспорт-виза тизими қоидаларига риоя этилиши юзасидан қатор учрашувлар ташкил этмоқда.

— Урганч тиббиёт коллежида ўтказилган тарғибот тадбирида қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Урганч шаҳар ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича таянч пунктлари профилактика инспектори Умидбек Бекчанов. — Хусусан, фирибгарлик ва пора бериш жиноятлари содир этилишининг сабаблари ва оқибатлари ҳақида суҳбатлашилди.

Бундай тадбирлар, ўз навбатида, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, юртдошларимизда мамлакат келажаги учун дахлдорлик туйғусини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Алишер РАҲМОН,
"Milliy tiklanish" мухбири

МММда

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимининг шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизматида йилига 600 мингдан зиёд беморга стационар, 1 миллиондан ортиқ хасталарга амбулатор, 7 миллиондан зиёд чақириқлар бўйича тезкор тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

АҲОЛИ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Шошилинч ва тез тиббий ёрдам тизими: долзарб масалалар ва истиқболдаги режалар" мавзусида ташкил этган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Президентимизнинг шу йил 16 мартдаги "Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Шошилинч тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳа фаолиятида янги босқични бошлаб берди.

— Шошилинч тиббий ёрдам тизимини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш бугунги куннинг асосий вазифасига айланган, — деди Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директори Асилбек Худоёров. — Шифокорларимиз малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратяпмиз: бу борада борасида дунёнинг тиббиёти ривожланган кўплаб давлатлари билан келишувларга эришяпмиз. Бундай тадбирлар, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Тадбирда дунё миқёсида тарқалаётган касалликларнинг янги турлари, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган истиқболли режалар ҳақида фикр алмашилди.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

ЭКОТУРИЗМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Шаҳар муҳити ҳар қандай кишини толиқтириши шубҳасиз. Ҳатто бундай ҳаётга ҳаддан зиёд кўниккан инсон ҳам вақти-вақти билан тоғларга, сокин табиат қўйнига сайр қилиш, ҳайвонот ва наботот оламидан завқ олиш, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олишни истайди. Сайёҳатнинг бу тури замонавий тилда экотуризм деб аталади.

Кўп мутахассис ва тадқиқотчиларнинг илмий тажрибаси ва хулосалари шуни кўрсатмоқдаки, экотуризм туризмнинг нисбатан янги ва ёш йўналиши бўлишига қарамай, унинг бошқа турларига нисбатан икки-уч баробар жадал оммалашмоқда. "Экотуризм" атамасини илк бор ўтган асрнинг 80-йилларида мексикалик эколог Эктор Себальос-Ласкурайн қўллаган. Шундан эътиборан бу атама туризмнинг мустақил йўналиши сифатида қўлланилмоқда.

Экотуризмдан иккита мақсад кўзда тутилади: биринчиси, атроф-муҳитни ўрганиш ва тадқиқ этиш бўлса, иккинчиси табиат қўйнида ҳордиқ чиқариш, ундан баҳраманд бўлиш. Экотуризмни ривожлантиришнинг қулайлиги шундаки, унда сайёҳларга юқори даражада хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналар қуриш талаб қилинмайди. Сайёҳликнинг бу турида анъанавий ҳордиқ чиқариш ва маиший қулайликларга иккинчи даражали масала сифатида қаралади. Бундан ташқари, экотуризм дастурларида сайёҳларнинг экологик билими ва маданиятини ошириш мақсади ҳам кўзда тутилади.

Коста-Рика, Аргентина, Эквадор, Бразилия, Перу, Ҳиндистон, Непал, Австралия, Янги Зеландия экотуризм ривожланган мамлакатлар сирасига киради. Экотуризм Европада қитъанинг асосан шимолий қисмида жойлашган мамлакатлар — Исландия, Норвегия ва Финляндияда оммалашган. Марказий Европада эса сайёҳлар кўпроқ табиат қўриқхоналарига боришни хуш кўради.

Жанубий Америкада экотуризм Аргентинада оммалашган. Бу ерда жойлашган жунгли ўрмонлари, сув ҳавзалари, йирик музликлар, тоғлар, шаршаралар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Мамлакат ҳудудида табиат қўриқхоналари ташкил этилган. Бундай ғаройиб табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлиш мақсадида бу ерга ҳар йили дунёнинг турли минтақаларидан минглаб сайёҳ ташриф буюради.

Бугун Коста-Рика экотуризм ривожланган пешқадам мамлакатлардан бирига айланган. Бу ерда экотуризм ўтган асрнинг 90-йилларидан буён изчил тараққий этиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат иқтисодий кўрсаткичларига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётир. Коста-Рикада экотуризмнинг бу қадар тараққий этишининг сабаби — унга қўшни мамлакатлар ўрмонлардаги дарахтларни кесиб, уларни сотиш билан шуғулланган бир пайтда, бу ерда, аксинча, ноёб жонивор ва ўсимликлар яшайдиган табиий макон — жунгли ўрмонларини асл ҳолида сақлаб қолишга эришилди. Шунинг самараси ўлароқ бугун мамлакатда миллий хиёбонлар ташкил этилган. Бу эса сайёҳликнинг ривожланишига, ундан тушадиган даромадларнинг ошишига хизмат қилмоқда.

Бразилиянинг ўзига хос иқлими ва табиати бу мамлакатда экотуризм ривожланишининг муҳим омилига айланган. Бразилия катта ҳудудга эга мамлакат, шу боис унинг шимолий қисмидаги ҳайвонот ва наботот олами, иқлими жанубий қисмидан тубдан фарқ қилади. Мамлакат миллий хиёбонлари, айниқса, Амазонка дарёси ҳавзаси билан сайёҳларни ўзига бамисоли оҳанрабодек тортади. Мамлакатнинг шарқий қирғоқларини Атлантика океани суви ювиб туради. Қолаверса, мазкур мамлакат ҳудудида дунёдаги энг йирик шаршалалардан бири — "Игуасу" жойлашган.

Тинч океани бўйида жойлашган Эквадор Жанубий Америкадаги экотуризм тараққий этган мамлакатлардан саналади. Бу ерда ташкил этилган миллий хиёбонлар баланд тоғлари, кўл ва дарёлари билан кишини мафтун этади. Эквадор Галапагос ороллари билан ҳам машҳур. Ушбу мамлакат ҳудудидан ўтган Анд тоғларига ёзда ташриф буюриш қулай. Сабаби бу пайтда тоғ ҳавоси анча илиқ бўлади, табиат ўзига хос чирой очади. Соҳилбўйи ҳудудларга эса қишда келган маъқул, чунки бу пайтда ҳавоси илиқ ва қуруқ бўлади.

Ҳиндистон ҳам экотуризм марказларидан саналади. Бу, аввало, мамлакат ҳудудининг катта қисми ўрмонлар билан қоплангани билан боғлиқ. Улар жойлашган ҳудуд бўйлаб қўриқхоналар, миллий хиёбонлар ташкил этилган. Ҳиндистон ўрмонлари ўзининг биохилма-хиллиги билан ажралиб туради. Уларда турфа хил ўсимликлар ўсади, ёввойи ҳайвонлар, қушлар яшайди. Ўрмонларда, айниқса, филлар устида сайр қилишнинг ўзига хос гашти бор.

Океания минтақасида жойлашган Янги Зеландия фусункор табиати билан дунёга машҳур. Қумли соҳиллар, музликлар, кўл ва дарёлар, ям-яшил қир-адирлар, вулқонлар бу ерда экотуризмнинг равнақ топишига имкон яратган.

Хитойда экотуризм объектлари жуда кўп. Мазкур мамлакатда дунё бўйича аксарият ўрмон қўриқхоналари жойлашган. Мисол учун, мамлакат ҳудудида 1 минг 658 та ўрмон хиёбони ҳамда 1 минг 757 қўриқхона фаолият кўрсатади. Улардан 6 та ўрмон хиёбони ва қўриқхонаси ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Хэйлунцзян провинциясида нафақат мамлакат, балки дунё миқёсида аҳамиятга молик бўлган геология хиёбони жойлашган. Цинхай провинцияси ҳудудида 2000 йилда асос солинган "Санцзянюнь" қўриқхонаси фаолият юритади. Хуанхэ, Ланканг, Чанг дарёлари оқиб ўтади. Қўриқхона ҳудудида 74 турдаги ҳайвон, 174 турдаги қуш яшайди.

Ўзбекистон ҳам экотуристик ресурс ва имкониятларга жуда бой. Айни пайтда мамлакатимизда 800га яқин туроператорлик фирмалари, 600га яқин меҳмонхона, 30дан ортиқ муҳофазага олинган ҳудуд (қўриқхона, миллий боғ, нодир табиат ёдгорлиги), 60 та ўрмон хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

Туроператорлик фирмалари "Тошкент-Чорвоқ-Тошкент", "Тошкент-Билдирсой-Чимён-Тошкент", "Тошкент-Зомин-Тошкент", "Тошкент-Айдаркўл-Тошкент" каби йўналишларда ўтказган экотурлар, чўл ҳудудларда туяларда уюштирилган сайр дунё сайёҳлари эътибори ва эътирофига сазовор бўлмоқда.

Бўстонлиқ, Паркент ва Оҳангарон туманлари ҳудудидаги тоғ, ўрмон, яйлов, табиий сув ҳавзалари, экин майдонларини ўз ичига олган Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ҳам сайёҳларни жалб қиладиган сўлим масканлардан. Бир қатор санаторий, пансионат, дам олиш ва болалар соғломлаштириш масканлари, қўриқхона, овчилик, ўрмон хўжаликлари жойлашган мазкур ҳудуд Марказий Осиёдаги энг йирик миллий боғлардан биридир. Боғ мўътадил иқлими, табиий ва қадимий ёдгорликлари билан ички ва ташқи сайёҳлар диққатини ўзига жалб этади. Сайёҳлар катта-кичик кўллар, ажойиб шаршаралар, минтақамизнинг бошқа жойларида учрамайдиган петроглифлар ва қадимий тарихий обидаларга бой ушбу масканда ҳордиқ чиқариш билан бирга, икки мингта яқин ўсимлик, икки юздан зиёд ҳайвон турини кўриш имконига эга бўлади.

Жиззах вилоятининг хушманзара масканларидан бири — Зомин тумани ноёб экотизимга эга. Ҳудуддаги "Зомин" миллий боғи ва "Зомин" қўриқхонасида ёввойи ўсимликларнинг етти юздан зиёд, кам учрайдиган ва ноёб ёввойи ҳайвонларнинг 150 тури мавжуд. Тоғ бағрида жойлашган "Зомин" санаторийсининг ўзига хос экзотик табиати, хилма-хил ландшафти, флора ва фаунаси хорижий сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, "Зомин" санаторийси томоқ, нафас йўллари, асаб тизими хасталикларини даволашда жуда яхши самара беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, экотуризм хизматларини кўрсатаётган туроператорлик фирмалари, асосан, Чимён-Чорвоқ рекреация зонаси доирасида фаолият кўрсатмоқда. Бироқ мамлакатимизнинг Ҳисор, Боботоғ, Кўҳитангтоғ (Сурхондарё), Чақчар (Қашқадарё), Нурота (Навоий-Жиззах), Зарафшон (Самарқанд), Туркистон (Жиззах), Олой (Фарғона), Қурама, Чотқол (Наманган) тоғлари, Қизилқум чўлидаги қолдиқ тоғлар, Қизилқум чўли, Устюрт платоси, Борса келмас шўрхоги, Мингбулоқ ботиғи, Айдаркўл, Денгизкўл, Амударё ва Сирдарё соҳилидаги тўқайлар, Мурунтов каръери ва табиатнинг ноёб ёдгорликлари бўйлаб мажмуали ва мавзули экотурлар ташкил этиш тўлақонли йўлга қўйилмаган.

Шу ўринда айтиш жоиз, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизнинг халқаро ижобий имиджини шакллантиришда туризмни самарали восита деб билади ва уни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Туризм Ўзбекистон халқининг ноёб маънавий бойлиги ва тарихий меросини тарғиб этиш, бу бойликнинг жаҳон демократик ҳамжамияти томонидан умумбашарият тарихий меросининг ажралмас бир қисми сифатида тан олиниши йўлида самарали хизмат қилади, шунингдек, фуқароларни миллий ғурур ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда туризмнинг ўрни ва аҳамияти эътиборга лойиқ эканини тарғиб этади. Сайёҳлик инфратузилмасининг янада ривожланишини, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлишини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари, сайёҳлик логистикаси билан боғлик барча хизматларнинг қулайлигини, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлашга кўмаклашиш партия сайловолди Платформасидан ўрин олган муҳим масалалардан саналади. Қолаверса, партия алоҳида қўриқланадиган ноёб табиий ҳудудларни келиб кўриш тартибини кўзда тутадиган туризмнинг фаол турларини, хусусан, экотуризмни ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратишга кўмаклашишни ўзининг устувор вазифаларидан деб билади.

Экотуризм ривожланган мамлакатлар тажрибаси бугунги кунда туризмнинг бу йўналиши нафақат даромад манбаи, балки аҳоли бандлигини таъминлаш, табиат неъматларини асраш ва муҳофаза қилишда энг самарали воситалардан бири эканини намоён этмоқда. Модомики шундай экан, экотуризм келажакда Ўзбекистонда истиқболли соҳага айланиши, шубҳасиз.

РАНГСИЗ ҚАҲВА

Словакиялик ака-ука қаҳвасевар Адам ва Дэвид Надлар янги рангсиз "Clr Cff" қаҳвасини тайёрлашга эришди, дея хабар беради "Forum Daily" нашри.

Сув каби шаффоф қаҳва таркибида фақат сув ва арабика қаҳваси мавжуд. Унга ҳеч қандай консервант, ароматизатор ва стабилизатор қўшилмаган. Ичимлик оддий қаҳва тишининг рангтига таъсир қилишидан қўрқувчилар учун ишлаб чиқилган. 200 миллилитр идишда 100 миллиграмм кофеин мавжуд, оддий қаҳва ичимлигининг таркибида ҳам шунча кофеин бор. Бундан ташқари, иккаласининг ҳам қиймати бир хил — 6,33 доллар.

"Тоза қаҳва" гўё қаҳва ичилиб, унинг ювилмаган идишида сув ичгандек таъм беради. Суюқликнинг ранги сарғиш бўлиб унга сут ва қаймоқ қўшилганида бироз тўйинган кўриниш олади.

Ушбу ичимлик одатий қаҳва ихлосмандларига ёқиши даргумон, бироқ қаҳва таъмини ёмон кўрувчи, аммо уни барибир истеъмол қилувчиларга маъқул келиши тахмин қилинмоқда.

БЕШ МИНГ ЙИЛЛИК ИЕРОГЛИФЛАР ТОПИЛДИ

АҚШнинг Йель университети археологлари Брюсселдаги Қироллик музейи ходимлари билан бирга тошга ўйиб ёзилган энг қадимий Миср иероглифларини аниқлади. Бу ҳақда "phys.org" хабар тарқатган.

Мисрнинг қадимий Ал-Каб манзилгоҳидан топилган эпиграфиканинг ёши беш минг йил, деб тахмин қилинмоқда. Миср тамаддунининг илк босқичига оид монументал ёзувлар одатда ибодатхоналар, жамоат жойлари деворларида, санамларга қўйилган ҳайкаллар ва қабрларда битилган. Бу расмлар катта ҳажмда бўлиб, уларда, асосан, деталларга алоҳида эътибор берилган. Кейинчалик монументал иероглифлар урфдан қолиб, замонавийроқ ва қулайроқ ёзув турлари қўллана бошлаган.

Янги топилган иероглифлар катта ҳажмдалиги билан эътиборни тортади. Улардан айримларининг баландлиги ярим метрга тенг. Шунингдек, қадимшунослар кўплаб тасвирлар ичидан филларнинг расмларини ҳам топишга муваффақ бўлишган.

КЎПРИК ИККИ ҚИШЛОҚНИ БИРЛАШТИРДИ

Швейцарияда Европадаги энг катта бир тармоқли аркали кўприк қурилди. "Тамина" номли кўприк Санкт-Галлен кантонидаги Валенс ва Пфеферс қишлоқларини бир-бирига ўзаро боғлайди, дейилади "swissinfo.ch" сайтида.

Оммавий ахборот воситалари маълумотларига кўра, Тамина дараси устидан ўтган кўприк баландлиги 200 метр, узунлиги эса 417 метрдан зиёд. Кўприкни бунёд этиш учун 57,5 миллион доллар сарфланди.



Кўприк ҳудудаги транспорт қатнови билан боғлиқ вазиятни анча яхшилади. Мисол учун, Пфеферсдаги ўт ўчирувчилар зарурат бўлганда энди қўшни қишлоққа осон етиб бора оладилар. Бир марта улар ёнғин жойига етиб боришлари учун 30 дақиқа сарфлангани оқибатида маҳаллий черков ёниб кул бўлган. Энди мактабгача йўл ҳам 40 километрга қисқаради, автобусга дарани айланиб ўтишга ҳожат қолмайди.

Таъкидланишича, Валенсда 400 киши, Пфеферсда эса 600 киши истиқомат қилади.

Рангин дунё

УСТИ ЁПИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ЎЙИНГОҲ

Шу йилнинг 3 июнь куни дунё футбол мухлисларининг нигоҳи Европа чемпионлар лигаси мусобақаси доирасида Туриннинг "Ювентус" ҳамда Мадриднинг "Реал" клублари ўртасида ўтказилган финал баҳсига қаратилди. Футбол ишқибозлари орзиқиб кутган ўйин Уэльснинг Кардифф шаҳридаги машҳур "Миллениум" стадионида бўлиб ўтди. Қарийб 66 минг мухлис шоҳидлигида ўтган ўйин мухлисларга чинакам футбол спектаклини тақдим этди. Қизиқарли ва муросасиз кечган ўйинда Мадриднинг "Реал" жамоаси 4:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Шу тариқа испан жамоаси қаторасига иккинчи бор мазкур нуфузли мусобақанинг кубогини қўлга киритиб, ҳали ҳеч қайси клуб эриша олмаган натижани қайд этди.

Шу ўринда мазкур йирик футбол баҳси учун танланган стадион ҳамда унинг тарихи кўпчиликни қизиқтириши табиий. Бугун Уэльснинг чинакам рамзларидан бирига айланган "Миллениум" мазкур мамлакатдаги энг йирик стадион бўлиб, унда футбол ҳамда регби бўйича Уэльс терма жамоасининг мезбон сифатидаги ўйинлари ўтказилади. Стадион қурилган пайтда Буюк Британияда биринчи, дунё миқёсида эса иккинчи усти ёпиладиган стадион саналган.

Спорт иншооти қурилиши ўзига хос тарихга эга. У Уэльс регби иттифоқи ташаббуси билан регби бўйича жаҳон чемпионати арафасида бунёд этилган. Унга жой топиш жараёни ҳам осон кечмаган. Бунинг учун бир нечта иншоот ҳамда эски "Миллий стадион"ни бузишга тўғри келган. Қурилиш ишларини "Lobb Sport Architecture" компанияси олиб борган. Унга меъмор Род Ширд бошчилик қилган. Ўйингоҳни бунёд этиш учун 121 миллион фунт стерлинг сарфланган.

Стадионнинг очилиш маросими 1999 йил 26 июнда ўтказилди. Шу муносабат билан регби бўйича Уэльс ҳамда ЖАР терма жамоалари ўзаро куч синашди. Ушбу ўйинни янги стадионда 29 минг мухлис бевосита томоша қилиш имконига эга бўлди. Учрашувда мезбонлар 29:19 ҳисобида ғалаба қозонади.

"Беш юлдузли" спорт иншооти тоифасига эга стадион уч қаватли бўлиб, 74 минг 500 кишини сиғдира олади. Зарурат туғилганда унинг мухлислар сиғимини яна ошириш мумкин. Спорт аренасининг томи тўртта мачтага таяниб туради. Ўйингоҳ томининг тўлиқ ёпилиши учун 20 дақиқа керак, холос.

2008 йилнинг 9 февралида регби бўйича Уэльс ҳамда Шотландия терма жамоалари ўртасида ўтказилган ўйинда рекорд кўрсаткич қайд этилди: уни 74 минг 576 мухлис бевосита томоша қилди. 2012 йилда ёзги олимпия ўйинларининг футбол мусобақалари ҳам ўтказилди. Лондон шаҳридаги "Уэмбли" ўйингоҳида таъмирлаш ишлари олиб борилган пайтда футбол бўйича Англия кубогининг финал баҳслари ҳам "Миллениум" стадионида ўтказиб турилади. Ушбу спорт иншоотида вақти-вақти билан авто ҳамда мотопойгалар, нуфузли бокс кечалари ташкил этилади. Мадонна, Пол Маккартни, Рианна, Робби Вильямс, Тина Тёрнер, Роллинг Стоунз сингари дунёга машҳур хонандалар ҳам ушбу ўйингоҳда концерт уюштирган.

"Миллениум" стадиони ҳудудида 27 ичимликлар сотиладиган дўкон, 15 бар ҳамда тамаддихона, 12 эскалатор, 7 лифт, 7 дам олиш хонаси, 17 биринчи ёрдам кўрсатиш пункти жойлашган. Стадион ҳудудида сайёҳат ҳам уюштириш мумкин. Бегим кунлари ўйингоҳ мухлислар учун соат 10:00 дан 17:00 гача очиқ бўлади. Якшанба куни (ўйин ўтказилмайдиган пайтда) унга соат 10:00 дан 16:00 гача кириш мумкин. Беш ёшгача бўлган болалар учун саёҳат бепул. Катта ёшдагилар учун эса 7 фунт-стерлинг.

"Milliy tiklanish" мухбири
Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади

Фаолият

"САМОВИЙ ШАХМАТ" МАКТАБИ

БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ СОНИ 500 НАФАРГА ЕТДИ

Мамлакатимизда навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, юксак интеллектуал салоҳиятли инсонлар этиб вояга етказиш, спортнинг барча турлари қатори шахматни изчил ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасида ўзбек шахмат мактаби вакиллари нуфузли халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришаётир. 2016 йилда шахматчиларимиз қирққа яқин нуфузли мусобақада иштирок этиб, 40 олтин, 15 кумуш ва 12 бронза медални кўлга киритди.

"Ўзбекистон ифтихори", ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлган Нафиса Мўминова билан бундан тўрт йил аввал суҳбатлашганимизда келажакда шахмат мактаби очишни режалаштираётганини айтганди. Айтилган сўз ерда қолиб кетмади. У ташкил этган "Самовий шахмат" ("Sky chess") мактаби битирувчилари бугун 500 га етди.

Унинг фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида шахмат мактабига йўл олдик.

... Дарс пайти бўлгани боис, болаларнинг бири қўйиб бири савол беради. Ўқувчиларга вазифа берилгач, ФИДЕ устаси, шахмат бўйича Ўзбекистон чемпиони, турли халқаро танловлар ғолиби, шахмат мактаби ташкилотчиларидан бири Ҳулкар Тоҳиржоновани суҳбатга тортдик.

— Дадам болалигидан шахматга жуда қизиққан, 20 ёшида шахмат бўйича 1-разрядга эга бўлган, бироқ халқаро майдонга чиқиш биз, фарзандларига насиб қилди, — дейди Ҳулкар. — Нафиса опам дадамдан шахматни тўрт ёшида ўрганган. Биз эса опамдан. У Ўзбекистон хотин-қиз шахматчилари орасида биринчи бўлиб FIDEнинг халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлди. Бугун дадамизнинг орзу-умидларини биз фарзандлар рўёбга чиқаряпмиз. Яхши ният ярим мол, деб бежиз айтишмаган экан. Нокамтарлик бўлмасин, бугун кўплаб халқаро танловларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келяпмиз. Фарғона давлат университетининг педагогика факультетини тамомладим. Танлаган соҳам болажонларга шахматдан сабоқ беришимда жуда қўл келмоқда.

"Самовий шахмат" мактабига болалар 4 ёшдан қабул қилинади. Айни пайтда мактабда 200 бола шахмат сирларини ўрганмоқда. Қувонарлиси, уларнинг орасидан кўплаб чемпионлар етишиб чиқмоқда. Мисол учун Гулруҳбегим Тоҳиржонова — халқаро гроссмейстер, шахматнинг блиц, рапид ва классик йўналишларида 20 ёшли қизлар ўртасида Осиёнинг мутлақ чемпиони. Шахмат бўйича жаҳон чемпионатининг бронза медали совриндори. Нодирбек Ёқуббоев спорт устаси, ёшлар ўртасида Осиё чемпиони, Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони. Нилуфар Ёқуббоева ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпионатининг кўп карра чемпиони. Мафтуна Бобомуродова 8 ёшлилар ўртасида Осиё чемпиони, Ўзбекистоннинг икки карра чемпиони...

Ушбу мактабдаги болалар ўртасида шахматни энди ўрганаётганлар ҳам, маҳоратини ошираётганлари ҳам бор. Айниқса, мактабдаги ўйин сеансларида, спорт усталарининг маърузалари, халқаро гроссмейстрлар билан суҳбатлар уларда катта қизиқиш уйғотади. Ҳафта сўнгида шахмат мактаби болалари ўртасида мусобақа ўтказилади. Бу нафақат болалар, балки уларнинг ота-оналарини ҳам ўзига жалб этмоқда.

Шахмат доскаси устида бош қотириб ўтирган икки болакай эътиборимизни тортди. Улардан бирини суҳбатга тортдик.

— Бир ярим йилдан бери шу мактабда шахмат бўйича сабоқ оляпман, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 50-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Муҳиддин Мадаминов. — Бошида ота-онам истагани учунгина кела бошлагандим, аммо бора-бора жуда қизиқиб қолдим. Айниқса, гуруҳимиз ўртасида бўладиган мусобақа ва рағбатлар шахматга қизиқишимни орттирди. Келажакда, Рустам Қосимжонов ва Нафиса Мўминова каби дунёга машҳур шахматчи бўлмоқчиман.

Нафисанинг дадаси Алишер Мўминов ён дафтарига "Нимани ният қилиб юрсанг, унга бир кун, албатта, эришасан", деб ёзиб қўйган экан: Чиндан ҳам унинг орзу-мақсадлари бугун қизлари воситасида ушалмоқда.

— Дадам бизни нафақат шахмат, балки адабиётга ҳам катта ихлос ва эҳтиром билан улғайтирди, — дейди Гулруҳбегим Тоҳиржонова. — У доим "шахматда ҳамма нарса — фантазия, психология, гўзаллик бор", дерди. Шу боис Нафиса ва Ҳулкар опам ҳам чиройли рақс тушади, ҳам шеър ёзади. Авваллари ҳикоя ва эсселар ҳам ёзган. Қизиқишларимиз доираси кенг. Буларнинг бари шахматдаги муваффақиятларимизга ёрдам бермоқда. Рустам Қосимжонов илк бора жаҳон чемпиони бўлганида қишлоғимизнинг катта-кичигининг бари катта бўлсам Қосимжоновга ўхшаган спортчи бўламан, дерди. Бугун ҳатто ўғил болалар ҳам Нафиса ва Ҳулкар опамга ҳавас қилишаётганидан чексиз фахрланаман. Бугун ўзим тайёргарлик кўрган ушбу шахмат мактабида болалар билан ўз билимимни бўлишяпман. Келажакда, албатта опаларимга муносиб издош бўлишни ният қилганман.

Мамлакатимизда шахматчилар оиласи сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Бу — зеҳну заковатда ҳеч бир мамлакат аёлларидан қолишмайдиган ўзбек қизлари учун охирги марра эмас. Ишонамизки, яқин келажакда шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўладиган ўғил-қизлар сафи кенгаяди. Бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароит мавжуд.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тиббий маслаҳат

ЧАНҚОҚБОСДИ ПОЛИЗ МЕВАСИ

Ёз жазирамасида истеъмол қилинган муздек тарвуз чанқоқни қондиради. Унинг таркибидаги дағал толали модда меъда-ичак тизими фаолиятига ижобий таъсир этади. Ичаклар ҳаракатини яхшилайди. Тарвуз қабзиятнинг олдини олади, организмда моддалар алмашинувини яхшилайди. Гепатит (жигар хасталиги)да енгил ўт ҳайдовчи восита сифатида қўлланилади. Буйрак ва сийдик йўлларидаги тош, туз ва қумни майдалайди. Камқонлик, метаболик артрит, подагра (организмда моддалар алмашинувининг бузилишидан келиб чиқадиган касаллик), ортиқча вазнда ҳам тарвуз фойдалидир.

Бир кунда 150 грамм тарвуз истеъмол қилиш соғлом организмнинг кун бўйи магний моддасига бўлган талабини қондиради. Юрак қон-томир касалликлари ва гипертония (хафақон) хасталигида беморларнинг тарвуз тановул қилишлари мақсадга мувофиқ. Унинг таркибида ишқор кўп бўлгани сабабли сийдик ажратиш тизими учун ҳам фойдали хусусиятга эга. Нефрит, пиелонефрит каби буйрак касалликлари ва цистит (қовуқ яллиғланиши)да шифокорлар кўпроқ тарвуз истеъмол қилишни тавсия этади.



Яхши пишган тарвуздан кунига икки килограмм истеъмол қилиш мумкин. Икки стакан тарвуз шарбатига бир чой қошиқ табиий, тоза асал аралаштириб ичиш кайфиятни кўтаради. Худди қовоқ уруғи каби тарвуз уруғи ҳам организмни микроблардан тозалайди. Яхшилаб қуритилган тарвуз уруғи ҳавончада янчилади ва элакдан ўтказилади. Кейин қайнаб совутилган бир литр сутга 100 грамм тарвуз уруғининг мағзи аралаштирилади. Ушбу табиий доривор восита бир кунда икки маҳал оч қорнига икки стакандан ичилади. Тарвуз таркибидаги фоли кислотаси организмда ёғлар алмашинувига ижобий таъсир этади. Худди қовун каби тарвузнинг 100 граммида 38 калория мавжуд. Шу сабабли у тановул қилган кишини тўқ тутади ва семизликнинг олдини олади.

Халқ табобатида тарвуз этидан косметология воситаси сифатида фойдаланиш мумкин. Унинг эти юз, қўл ва оёқ терисини парвариш этишда кенг қўлланилади. Бунинг учун яхши пишган тарвуз эти чинни идишга солиб эзилади ва терига суртилади. Орадан 20-30 дақиқа ўтгач, бу табиий ниқоб илиқ сувда ювиб ташланади. Ҳафтада бир неча марта бундай ниқобдан фойдалансангиз, терингиз озиқланади, таранг, силлиқ ва майин бўлади.

Аммо қандли диабет, сурункали ичак хасталиги мавжуд беморлар, ҳомиладорликнинг охирги уч ойида танасида шиш пайдо бўлган аёлларга тарвуз истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Уни тановул этишдан 2-3 соат олдин аччиқ ва шўр маҳсулотлар истеъмол қилмаслик зарур. Чунки бу организмда ортиқча суюқлик тўпланишига, юрак ва буйракларнинг зўриқиб ишлашига сабаб бўлади.

Медиа-тур

"ЁЗ КОНЦЕПЦИЯСИ — 2017"

ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ёзги дам олиш мавсумини тўғри ташкил этиш, оромгоҳларда болаларнинг мазмунли ва мароқли дам олишини таъминлаш мақсадида юртимизда 1 минг 150 та болалар ёзги дам олиш оромгоҳи ташкил этилган. Уларнинг 214 таси стационар, 936 таси кундузги оромгоҳ саналади. Мазкур оромгоҳларда мавсумда жами 300 мингга яқин болалар дам олади. Умумтаълим мактабларида 4 ярим миллиондан зиёд ўқувчи таҳсил олиши инобатга олинса, ўз-ўзидан оромгоҳларга жалб қилинмаган болалар нима билан машғул бўлади, деган ҳақли савол туғилади.

Айни шу мақсадда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан "Ёз концепцияси — 2017" тадбирлари ташкил этилди.

Мазкур концепцияга мувофиқ, қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмайдиган ҳамда кундузги оромгоҳлар ташкил этилмаган таълим муассасаларида "соғломлаштириш майдончалари", "Баркамол авлод" болалар марказларида тўгараклар, ахборот-ресурс марказларида китобхонлик машғулотлари ташкил этилмоқда.

"Ёз концепцияси — 2017" тадбирлари доирасида Тошкент вилоятида соғломлаштириш майдончалари ва "Баркамол авлод" болалар марказлари тўгракларига жами 91 минг 253 ўқувчи қамраб олинган.

Тошкент вилояти Бекобод шаҳрига уюштирилган медиа турда оммавий ахборот воситалари вакиллари шаҳар халқ таълими бўлими, Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан вилоятдаги барча таълим муассасаларида ташкил этилиб, кейинчалик республика бўйича кенг оммалаштирилган "Ота-оналар билан мулоқот хонаси", "Ёз концепцияси — 2017" доирасида ўтказилаётган маданий-маърифий ва спорт тадбирлари, "Баркамол авлод" болалар марказларида ташкил этилган тўгараклар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Медиа тур 660 нафар ўқувчини 26 тўгаракка жалб қилган Бекобод шаҳар "Баркамол авлод" болалар маркази фаолияти билан танишишдан бошланди. Мазкур болалар маркази республика ва вилоят миқёсида ўтказиб келинаётган "Соғлом турмуш тарзи", "Миллий таомлар", "Автомодел", "Биз гиёҳвандликка қаршимиз" каби фестиваль ва кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

— Ютуқларимиз замирида машғулот раҳбарларининг тинимсиз меҳнати, ўқувчиларнинг ўткир зеҳни, ота-оналарнинг фарзандига эътибори ва бизга бўлган ишончи мужассам, — дейди Бекобод шаҳар "Баркамол авлод" болалар маркази директори Омина Раҳмонбердиева. — Болалар тўгарак машғулотларидан ташқари ҳафтанинг бир куни китоб ўқиш билан шуғулланади. Бунда нафақат ўқувчилар, балки уларнинг ота-оналари ҳам кутубхонамиздаги бадиий адабиётлардан бемалол фойдаланиши мумкин.

Шундан сўнг журналистлар шаҳардаги 2-умумтаълим мактабида ташкил этилган "Севинч" болалар оромгоҳи фаолияти билан танишди. "Камалакда улғайиб, камолотга етамиз!" шиори остида икки — ўзбек ва рус тилларида фаолият юритаётган бу оромгоҳда спорт машғулотлари яхши йўлга қўйилган. Мактабда ташкил этилган "Ота-оналар билан мулоқот хонаси" ҳам эътиборга молик. Ота-оналар бу ерда таълим тизими ва мактаб фаолиятига тааллуқли таклиф, фикр-мулоҳазаларини билдириш имконига эга.

Журналистлар 16-умумтаълим мактабида ҳам бўлди. "Аввал тарбия, кейин таълим" шиори остида иш олиб борилаётган мактабда 12 та тўгарак фаолият кўрсатмоқда. "Йилнинг энг яхши мактаби — 2006" республика танлови ғолиби бўлган бу мактабда, айниқса, "Миллий ўйинлар ва қўшиқлар" тўгараги ҳам фаолият юритаётгани қувонарли ҳол, албатта.

— Гуруҳимиз асосан йўқолиб кетаётган халқ қўшиқлари ва ўйинларини йиғиш ва саралаш билан шуғулланмоқда, — дейди тўгарак раҳбари Феруза Бадалова. — Уларни кейинчалик тўплам шаклида чоп этишни ҳам режалаштирганмиз.

Медиа тур сўнгида Халқ таълими вазирлиги вакиллари, журналистлар ва ўқитувчи-мураббийлар иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод Кенжаев "Ота-оналар билан мулоқот хонаси" ҳамда "Ёз концепцияси — 2017" тадбирларининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритди.

Анжуман сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

БИЛАСИЗМИ?

● Футбол тарихида сариқ ва қизил карточкадан илк маротаба 1970 йилда Мексикада ўтказилган жаҳон чемпионатида фойдаланилган.

ТУРФА ОЛАМ

"ВУЛҚОН" ОСТИДАГИ ЭҲРОМ

Роберт Бенфер бошчилигидаги Миссури университети (АҚШ) олимлари Перуда вулқон ичидан кўҳна эҳром қолдиқларини топди, дейилади "rg.ru"сайтида.

Шу ўринда гап Непенья водийсидаги Эль-Вулкано деб номланган вулқон ҳақида бормоқда. У ўтган асрнинг 60-йилларида топилган эди. 16 метр тепаликдан иборат бу ҳудуд вулқонни эслатади. Унинг кратери ҳам бор. Айрим олимлар уни инсоният яратган иншоот харобаси деб тахмин қилса, бошқалари сўнган вулқон ўрни деб ҳисоблайди.

Бенфер бошчилигидаги тадқиқотчилар "вулқон" кратерини тадқиқ этиб, унда полигипсдан ишланган, қадимий кўмир қолдиқлари мавжуд залга олиб ўтувчи зина харобасига дуч келди ва уни номаълум тамаддунга тегишли эҳром харобаси эканини маълум қилди. Эҳромдан ўз вақтида турли маросимларни ўтказишда фойдаланилган. Ҳозирча эҳромнинг ёши аниқлангани йўқ. Эль-Вулкано яқинида яна бир нечта тарихий объект мавжуд. Эҳром бу тарихий иншоотлар билан бир даврга оид бўлиши мумкин. Улар эрамиздан аввалги 900-200 йилларда қурилган, деб тахмин қилинмоқда.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Эълон!
ЎзДЖТУ томонидан Мирзавалиев Мансурбек Мирзавали ўғлига 2010 йилда берилган В № 493012 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Ахмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ
Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 616, Адади — 8370. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Тўмарис БУТУНБОЕВА
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 22.15. Топширилди — 23.00.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 123 56